

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯ КАФЕДРАСИ**

ДЖАЛИЛОВА НИГОРА ДИЛШОДОВНАНИНГ

ТЕЛЕЖУРНАЛИСТ ФАОЛИЯТИДА КАСБИЙ

ПРИНЦИПЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

(«NHK» корпорацияси фаолияти мисолида)

**мавзусида 5320400 – халқаро журналистика йўналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий рахбар:

А.Дадахонов

**Аудиовизуал журналистика
ва оммавий коммуникация
кафедраси катта ўқитувчиси**

Расмий тақризчи:

Хусан Нишонов

**«Ma'rifat» газетаси бош
муҳаррир ўринбосари**

ТОШКЕНТ - 2011

ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ:

Факультет декани: _____ **А. Нурматов**

Кафедра мудири: _____ **Х.Дўстмуҳаммад**

Илмий раҳбар : _____ **А. Дадахонов**

Расмий тақризчи: _____ **Ҳ. Нишонов**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: «ТЕЛЕЖУРНАЛИСТ ФАОЛИЯТИДА КАСБИЙ ПРИНЦИПЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ»

(«NHK» корпорацияси фаолияти мисолида)

ДАК қарори:

**Бакалавр йўналиши 401-гуруҳ талабаси Джалилова Нигора
Дилшодовнанинг**

битирув иши «_____» га баҳолансин.

Битирув малакавий иши “_____” га баҳолансин.

“ _____ ” _____ 2011 йил

ДАК раиси:

Ш. Ғуломов

ДАК котиби:

Ё. Эркабоева

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Халқаро журналистика факультети

Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация

кафедраси № 10 баённомасидан

КЎЧИРМА

2011 йил 6 май

ҚАТНАШДИЛАР: барча кафедра аъзолари

КУН ТАРТИБИ:

1. 4-босқич талабаларининг битирув малакавий ишларини ҳимояга тавсия этиш.

ЭШИТИЛДИ: 401-гуруҳ талабаси Джалилова Нигора Дилшодовнанинг «Тележурналист фаолиятида касбий принципларнинг ахамияти» мавзусидаги битирув малакавий ишининг муҳокамаси.

Кафедра мажлиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

401-гуруҳ талабаси Джалилова Нигора Дилшодовнанинг ўқитувчи Азам Дадахонов раҳбарлиги ва «Ma'rifat» газетаси бош муҳаррир ўринбосари Ҳусан Нишонов тақризи остидаги «Тележурналист фаолиятида касбий принципларнинг ахамияти» мавзусидаги малакавий битирув иши Давлат аттестацияси комиссияси мажлисида ҳимоя қилишга тавсия этилсин.

**“Аудиовизуал журналистика
ва оммавий коммуникация”
кафедраси мудири**

Х. Дўстмуҳамедов

Котиба

З. Ортиқова

Тасдиқлайман_____

2011 йил 6 май

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси тадқиқотчиси халқаро журналистика йўналиши 401-гуруҳ талабаси Джалилова Нигора Дилшодовнанинг

Малакавий битирув иши бўйича топшириқ

1. Битирув ишининг мавзуси: «тележурналист фаолиятида касбий принципларнинг аҳамияти».

йил кафедра мажлисида дастлабки ҳимоядан ўтган ва маъқулланган.

2. Битирув ишини топшириш муддати 10 кун.

3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар Президентимиз И.А.Каримов асарлари, касбий принципларга оид китоблар, ўқув қўлланмалари, ҳамда бошқа матбуот нашрлари таҳламларидан фойдаланган.

4. Ҳисоблаш-тушунтириш, ёзувларнинг таркиби, ишлаб чиқиладиган масалалар. Кириш, икки боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалар.

5. Чизма ишлар рўйхати. Чизмалар йўқ.

6. Тақдимот.

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчи.

№	Боб мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф.И.Ш	Сана	Сана
			Топширик берилди	Топширик бажарилди
1.	ННК корпорацияси фаолиятида касбий принципларнинг урни	А. Дадахонов	10.02.11	18.03.2011
2.	Касбий ахлокий принциплар журналист фаолиятини йуналтирувчи омил сифатида	А. Дадахонов	18.03.11	28.04.2011

7. Битирув ишини бажариш режаси

№	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	Кириш	10.02.11 — 18.03.11	
2	1 боб	10.02.11 — 18.03.11	
3	2 боб	18.03.11 — 28.04.11	
4	Хулоса	18.03.11 — 28.04.11.	

Битирув иши раҳбари:

ўқитувчи А. Дадахонов

Топширикни бажаришга олдим:

Н. ДЖалилова

Топширик берилган сана:

10. 02. 2011 йил

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
ҳалқаро журналистика факультети битирувчиси Джалилова Нигора
Дилшодовнанинг «Тележурналист фаолиятида касбий
принципларнинг ўрни» («NHK» корпорацияси фаолияти мисолида)
мавзусидаги битирув малакавий ишига берилган
«Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация» кафедраси
ХУЛОСАСИ

Талаба Джалилова Нигора Дилшодовнанинг ўқитувчи А. Дадахонов раҳбарлиги ва «Ma'rifat» газетаси бош муҳаррир ўринбосари Ҳ. Нишонов тақризи остидаги «Тележурналист фаолиятида касбий принципларнинг ўрни» («NHK» корпорацияси фаолияти мисолида, 2009-2011 й.й.) мавзусидаги битирув малакавий иши кўриб чиқилди ва бу иш малакавий иш талабларига тўлиқ жавоб беради.

Давлат Аттестацион Комиссиясида ушбу иш ҳимояга киритилиши мумкин.

Кафедра мудири

Х. Дўстмуҳамедов

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАХОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛКАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ БИТИРУВЧИСИ
НИГОРА ДЖАЛИЛОВАНИНГ « ТЕЛЕЖУРНАЛИСТ ФАОЛИЯТИДА
КАСБИЙ ПРИНЦИПЛАРНИНГ ЎРНИ» («ННК» КОРПОРАЦИЯСИ
ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА, 2009-2011 Й.Й.) МАВЗУСИДАГИ
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА**

ТАВСИЯНОМА

Битирув малакавий иши мукаммал режа асосида ёзилган бўлиб, унинг методологик тузилиши ҳозирги давр талабида ишлаб чиқилган . Халқаро журналистика мутахассислигига кўйиладиган талаб тадқиқот ишида йаққол кўриниб турибди. Ушбу тадқиқот ишига раҳбарлик қилишда тадқиқотчининг мавзунини ёритиш жараёнида белгилаб олган мақсад ва вазифалари журналистик нуқтаи назаридан ўрганиб чиқишга қаратилганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Битирув малакавий ишидаги янгилик журналистикага оид манбалардаги таҳлилий фикрлар билан бойитилган. Муаммонинг назарий ва амалий аҳамияти қайси юналишга тегишли эканлиги тадқиқот ишида тўлиқ кўрсатиб берилган. Битирув малакавий иши мазмун ва моҳиятига қараб бобларга бўлинган ва етарлича таҳлил этилган.

Джалилова Нигоранинг « Тележурналист фаолиятида касбий принципларнинг аҳамияти» («ННК» корпорацияси мисолида) мавзусидаги битирув малакавий ишини яхши ўрганган. Мавзу бўйича хусусиятларини яхши ўзлаштирган, ютуқлари, нуқсонлари, муаммоларини кўрсатиб берган.

Малакавий битирув иши кўрсатилган талаблар даражасида ёзилган. «ННК» корпорациясининг фаолияти, айрим кўрсатувлар таҳлили , журналистлар фаолиятида касбий принципларнинг аҳамияти хусусида батавсил очиқ берилган.

Битирув малакавий иши тузилиши бўйича Давлат Аттестацияси комиссияси талабига тўлиқ жавоб беради ва уни химояга тавсия этаман.

Илмий раҳбар

А.Дадахонов

**Аудиовизуал журналистика ва
оммавий коммуникация
кафедраси катта ўқитувчиси**

МУНДАРИЖА

Кириш

I БОБ. НКК корпорацияси фаолиятида касбий принципларнинг ўрни

1.1. НКК корпорацияси ва унда касбий принципларнинг журналистлар фаолиятига таъсири

1.2. Журналистнинг асосий касбий ахлоқий принципларига умумий тавсиф

1.3. Мавзу танлаш жараёнида касбий принципларнинг роли

II БОБ. Касбий ахлоқий принциплар журналист фаолиятини йўналтирувчи омил сифатида

2.1. Фактларни йиғиш ва талқин қилиш жараёнида принципларнинг аҳамияти

2.2. Журналистнинг аудитория билан самарали муносабат ўрнатишида амал қилувчи асосий ахлоқ мезонлари

2.3.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Журналистика ва журналистлар ҳар қандай мамлакатда жамиятнинг пешқадам зиёлилари сифатида ҳурмат қилинади. Ҳар қандай вазиятда халқ ўз ичидаги дардларини, турмушида юз бераётган қийинчиликларнинг ечимини топишда ОАВ ходимларига суянади. Журналистлар ҳам ўзларига бўлган ана шундай ҳурмат ва эҳтиромни доимий сақлаб қолиш, ўз мухлислари ишончини қозониб ишлашлари эса улар учун касбий зарурат эканлиги шубҳасиз. Айнан шундай самарадорликка эришиш учун журналист ҳар қандай вазиятда касбий ахлоқ принципларига амал қилиши керак ёки айрим ахлоқ кодексларида таъкидланганидек, кундалик меҳнати жараёнида ўзини оддий шахс эмас, айнан журналист эканини ёдидан чиқармай ишлаши керак бўлган ОАВ ходими биринчи навбатда ўз касбий ахлоқи талабларини билиши талаб этилади.

Рус олимларидан Е. П. Прохоров журналистлар касбий этикасига қуйидагича таъриф беради:

«Журналист касбий этикаси – бу касбий ижодий ташкилотларнинг юридик жиҳатдан мустақамланмаган, лекин жуналистик муҳитда қабул қилинган ва жамоатчилик фикри кучини қўллаб-қувватловчи ахлоқий ёзма буйруқлар – принциплар, меъёрлар ва журналистнинг ахлоқий феъл-атвор қоидалари».¹

Журналистика соҳасидаги айрим мутахассислар томонидан касбий ахлоқ ўз тамойилларига эга эмас, у жамиятдаги умумий ахлоқий тамойиллардан келиб чиқади, деган фикр илгари сурилади. Бир жиҳатдан олиб қараганда бу фикр тўғридек туюлади. Чунки барча ахлоқий меъёр ва кодекслар асосида турадиган ҳаққонийлик,

¹ Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. М.: 2002.302-бет.

холислик ва сўз эркинлигини ҳимоялаш маълум маънода умуминсоний ахлоқ таркибида ҳам мавжуд. Бироқ касбий этика меъёрларида алоҳида вазиятлар, яъни ўз кундалик касбий фаолиятларини олиб боришлари жараёнида дуч келишлари мумкин бўлган турли муаммоли ҳолатларда мутахассислар ўзини қандай тутишлари лозимлиги, муваффақиятсизлик ва кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун нима қилиш зарурлиги каби масалалар, ҳеч шубҳасиз, маълум бир соҳанинг хусусий масалаларида, айниқса, касбий этикасида аниқ акс эттирилади.

Битирув малакавий ишнинг долзарблиги. Бугунги ахборот алмашинув соҳаси ниҳоятда глобаллашган бир даврда бевосита касбий этикаси талаби билан доимий равишда ахборотни йиғиш, таҳлил этиш ва тарқатиш билан шуғулланувчи журналистлар зиммасига инсоният тараққиётининг аввалги босқичларига қараганда оғирроқ масъулият тушади. Худди шунингдек, ўзига хос ривожланиш йўлини тутган давлатимизда ҳам юксак тараққий этган фуқаролик демократик жамияти асосларини қарор топтиришда айнан «тўртинчи ҳокимият» мақоми сари интилаётган журналистлар учун алоҳида жасурлик, шижоат ва дадиллик талаб этилади. Улар ҳар қандай вазиятни баҳолашда, жамият ҳаётида кундалик учраб турадиган турли ютуқ ва камчиликларни баҳолашда фақат ўз ҳиссиёт мезонлари асосида эмас, балки касбий бурч ва мажбуриятлари нуқтаи назаридан иш юритсалар юксак самарага эришишлари шубҳасиз. Бу жиҳатдан олиб қараганда турли халқаро ҳужжатлар, кодекслар орқали қабул қилинган меъёрлар ва касбий ахлоқий тамойилларни билиш ва уларга амалиётда қатъий амал қила олиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Биз мазкур ишимизда ҳам айнан ана шу журналистлар учун энг муҳим бўлган касбий ахлоқий принципларни ўрганамиз ва уларни айнан жаҳоннинг йирик халқаро ОАВларидан бири «NHK » телерадиокомпанияси фаолиятида намоён бўлиш шаклларига

тўхталиб ўтамиз. Буларнинг барчаси, албатта, Ўзбекистон журналистикаси учун долзарб масалаларидан бири эканини кўрсата олади.

БМИнинг илмий янгилиги: Ўзбекистонда журналистика мутахассислари томонидан шу даврга қадар журналистларнинг касбий ахлоқий принциплари бўйича йирик тадқиқотлар кам амалга оширилган. Қолаверса, бу мавзуда дарслик, қўлланмалар ҳам санокли чоп этилган. Шу асосида айтиш мумкинки, танланган мавзу илмий жиҳатдан янгидир.

Ишнинг мақсади: Журналистика соҳасида кенг эътироф этилган касбий ахлоқий принципларнинг журналистик ижоддаги аҳамиятини ҳам назарий фикрлар, ҳам амалий материаллар таҳлили асосида очиб бериш ушбу ишни ёзишдаги асосий мақсадимиз ҳисобланади.

Мазкур мақсадга эришувимиз учун бажарадиган вазифаларимиз қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Турли илмий адабиётлар, ўқув қўлланмаларидан фойдаланиб, журналистлар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган касбий ахлоқий принципларни ажратиб кўрсатиш ва ўрганиш;

2. Журналистнинг кундалик фаолиятида асосий ўрин тутган касбий ахлоқий принципларнинг турли халқаро ва миллий миқёсда қабул қилинган айрим касбий ахлоқий кодекслар, йўриқлар ва бошқа турдаги ҳужжатларда намоён бўлиш шакллари аниқлаш ва бу борада ўзбек журналистикаси назарияси ва амалиётига ҳам татбиқ этса бўладиган касбий мезон ва принципларни таҳлил қилиш;

3. Назария ва амалиёт боғлиқлигини таъминлаган ҳолда жаҳоннинг йирик ва обрўли халқаро телерадиокомпанияларидан бири “NHK” хизмати фаолияти ва иш тажрибасини кузатган ҳолда касбий

ахлоқий принципларнинг айнан япон тележурналистлари фаолиятида акс этиш шакллари кўрсатиб ўтиш ва улардан миллий журналистикамиз учун аҳамиятли бўлганларини белгилаб олиш.

Ишнинг назарий ва методологик асослари. Мазкур битирув малакавий ишини ёзишимизда Ўзбекистон Республикасида шу даврга қадар айнан журналистика соҳасини ривожлантириш йўлида шакллантирилган қонунчилик тизими, давлатимиз раҳбариятининг бу борада ишлаб чиққан қарорлари, турли йўл-йўриқлари муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Ишни ёзиш жараёнида айнан журналистларнинг касбий этикаси мавзусида самарали изланишлар олиб борган Д. С. Аврамов, Г. В. Лазутина каби рус олим ва олималари, шунингдек, ушбу мавзунини ўрганиш борасида муҳим ўқув қўлланмаларнинг муаллифи Херман Майннинг асарлари, ҳамда Хуршид Дўтмуҳаммаднинг “Журналистнинг касб одоби муаммолари” монографияси назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Ишнинг назарий аҳамияти. Аввал таъкидлаганимиздек, ўзбек тилида ушбу малакавий битирув иши мавзусига дахлдор тадқиқот ва қўлланмалар санокли чоп этилган. Шу боис тадқиқотдан бевосита журналистика факультети талабаларига журналист касбий этикаси бўйича ўқитиладиган дарс машғулотларида, хусусан, бу йўналишдаги халқаро ҳужжатлар ҳамда Японияда журналистлар этикаси муаммоларининг ҳал этилиши масалаларига бағишланган марузаларда ёрдамчи манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг амалий аҳамияти ҳақида гап кетганда шунини айтиш зарурки, тадқиқотмизда таҳлил остига олинадиган муаммоли масалалар ўзбек миллий журналистикаси учун муҳим ва у амалиётчи журналистларга ҳам керакли бўлган бир қатор назарий таҳлиллارни ўз ичига олади, деб умид қиламиз.

Ишнинг объекти – журналистлар касбий ахлоқий принциплари ва мавзулар кўлами жиҳатдан уларнинг ижодлари.

Ишнинг предмети эса тадқиқотни амалга ошириш мобайнида ўрганишга лойиқ деб топилган ва таҳлил этилган муаммолардир.

Энди бевосита ишимизнинг асосий таҳлилий объекти ННК фаолиятига тўхталиб ўтамиз. Ушбу телерадиокомпания 1925 йилда ташкил этилган. 1950 йилда ННК фаолиятига оид янги қонун ишлаб чиқилди. Ушбу йилдан бошлаб кучга кирган янги ахборот тарқатиш қонуни ННК нинг давлат ёки хусусий мулкка мансуб бўлмаган махсус корпорация сифатида қайта шакллантирилишига замин ҳозирланди. Хусусий компаниялардан фарқли равишда ННК фаолияти ҳукумат тақиқланишларнинг субъектидир. Дастурларни режалаштириш ва бошқа ҳолатлар қарорлари Директорнинг тасдиғидан ўтган ва сўнгра бош вазир томонидан аъзолари кўрсатилган бошқарув органи, менежмент комиссияси томонидан қабул қилинади. ННК корпорациясининг радио ва телевидениесида тижорий рекламалар берилмайди бу эса унинг ажралиб турувчи хусусиятларидан бири. ННК нинг 97% даромади ойлик обуналар ҳисобига келади.

ННК корпорацияси хусусида шуни айтишимиз лозимки, биз учун мазкур ОАВ тажрибасидан ўрганишимиз мумкин бўлган жиҳатлар талайгина ва шу боис ҳам мазкур битирув малакавий ишнинг асосий таҳлилий объекти сифатида айнан мазкур халқаро тармоқ танланди.

БМИнинг тузилиши. Бакалаврлик битирув малакавий иши кириш, икки боб, хулоса ва фойдалиниланган адабётлардан иборат.

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги, илмий янгилиги, мақсад ҳамда вазифалари, назарий ва методологик асослари, назарий ва

амалий аҳамияти, ишда таҳлилий объект сифатида олинган NHK нинг мухтасар тарихи ва бугунги кундаги фаолияти хусусида маълумот берилди.

Биринчи боб «NHK корпорацияси фаолиятида касбий принципларнинг ўрни» деб номланади ва унда корпорация фаолияти, журналист касбий этикасининг бошқа касб ахлоқидаги принцип ва меъёрлардан фарқи, ундаги ўзига хос жиҳатлар ҳамда журналистнинг кундалик фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи ва деярли барча ахлоқ кодексларида ўз аксини топган ҳаққонийлик, холислик, сўз эркинлигини ҳимоялаш, адолатлилик каби тамойиллари хусусида баҳс юритилади.

Иккинчи бобда эса фактларни йиғиш ва таҳлил қилиш маданияти ва бу жараёнларда касбий ахлоқий принципларнинг ўрни, ҳамда журналист билан энг кўп алоқага киришадиган шахслар: аудитория ва ахборот манбалари билан ОАВ ходимлари муносабатлари ўртасида самарали муносабат ўрнатишда касбий этика принципларига амал қилишнинг роли сингари масалалар муҳокама қилинади.

Ишнинг хулоса қисмида тадқиқотни ёзиш давомида мавзу доирасида кўтарилган масалалар юзасидан якуний илмий хулосалар чиқарилади.

Битирув малакавий ишининг сўнгги қисмида ушбу изланишни амалга ошириш мобайнида фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилади.

I БОБ. NHK корпорацияси фаолиятида касбий принципларнинг ўрни

1.1. NHK корпорацияси ва унда касбий ахлоқнинг журналистлар фаолиятига таъсири.

NHK , Эн-Эйч-Кей (яп. Ниппон Хосо Кйокай) – японча ижтимоий, жамоатчиликка оид телерадиокомпания. Айни вақтда компания иккита эфир телеканалли (NHK General TV ва NHK Educational TV), учта спутник канали (NHK BS-1, NHK BS-2 ва NHK Hi- Vision), ва учта радиоканали (NHK Radio 1, NHK Radio 2 ва NHK FM)ни ташкил этади.

Замонавий аудитория учун NHK «NHK World» хизматини ташкил этган бўлиб, у NHK World TV, NHK World Premium телеканаллари ва қисқа тўлқинли радиоканали ва интернетда (22 хил тилда узатиловчи) NHK World Radio Japan каналларининг фаолиятидан иборат.

NHK – дунёдаги ва Осиё – Тинч океани ҳудудидаги энг йирик ижтимоий корпорациялардан бири. Фақат Японияни ўзини ҳисоблаганда томошабинлар аудиторияси ун миллионни ташкил этади. 2008 йилги маълумотларга кўра халқаро канал ҳисобланган

NHK нинг умумий абонентлари сони 110 миллионни ташкил этади.

Телерадиокорпорация мамлакат ичида 8 та ҳудудий марказ ва 54 та узатиловчи станцияларига эга бўлиб, бундан ташқари дунё мамлакатлари орасида 29 та бюро ва пунктлари мавжуд.

NHK нинг Москвадаги бюроси (NHK Moscow Bureau) 1956 йилда ташкил топган бўлиб, у Жанубий-Сахалинскдаги офис ва Владивостокдаги пунктга эгалик қилади.

NHK Moscow Россия, собик СССР давлатлари ва Шаркий Европа мамлакатларидаги воқеа-ходисаларни ёритади.

NHK структураси бешта асосий телевизион канални ўз ичига олади:

NHK General TV – япония ва дунё янгиликларини; жахон иқтисодиёти ва бозор муносабатларини ҳамда спорт янгиликлари ёритиб боради. Унда ҳужжатли филм ва сериаллар; атроф-мухит ва космосдаги муаммолар бўйича махсус кўрсатувлар; этнография ва география; ҳайвонотлар дунёси ҳамда болаларга оид кўрсатувлар узатилади.

NHK Educational TV – маданият ва санъатга оид кўрсатувлар; спорт янгиликларини узатиб боради. Униг дастурларининг асосий қисмини мактаб ўқувчиларига ва ёшларни қизиқтирган мавзуларга оид кўрсатувлар ташкил этади.

NHK BS-1 – бунда асосан халқаро алоқалар, дунё хабарлари, жахон спорт майдонидан жонли эфирлар узатилади.

NHK BS-2 – асосан маданият ва санъатга иқтисослаштирилган канал бўлиб, унда опера ва балет, рассомчилик санъати, меъморчилик ва дунё маданиятига оид турли кўрсатувлар, кинофилмлар ва мусиқали дастурлар ҳамда NHK нинг бой архивидан тарихий лавҳалар узатилади.

NHK Hi-Vision – маданият ва санъат ҳақида ҳужжатли филмлар, табиат ва атроф-мухит, янги технологиялар ва ютуқлар, мусиқа, меъморчиликка оид дастурлар бериб борилади. Ушбу канал кўрсатувлари инглиз ва япон тилларида узатилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек NHK яна иккита телевизион канални ўз ичига олади: **NHK World TV** ва **NHK World Premium**.

NHK World TV – халқаро алоқалар учун махсус ташкил этилган канал бўлиб, унда асосан тезкор янгиликлар, жаҳон бозори, хужжатли лойихалар, иқтисодиёт, санъат ва халқаро аудитория учун турли кўрсатувлар узатилади.

NHK World Premium – бу канал кўрсатувлари дунёнинг 100дан ортиқ мамлакатларига кабел ва спутник орқали узатилади. Канал кўрсатувлари **NHK** нинг қолган каналларидек бир хил лойиха асосида узатилади. Унда ҳам асосан спорт, маданият ва санъат янгиликлари, кино ва музика дастурлар бериб борилади.

NHK World TV ва **NHK World Premium** каналларининг мухлислари ушбу каналларни ўзларининг хоҳишларига кўра беш хил тилда яъни, япон, инглиз, хитой, корейс ёки испан тилларида томоша қилишлари мумкин.

Ишимизнинг давомида касбий ахлоқнинг журналистлар фаолиятига таъсири ҳақида сўз юритар эканмиз аввало касбий ахлоқ ўзи нима? У журналистикада қай тарзда намоён булади? Касбий ахлоқни шакллантирувчи асослар нималардан иборат? деган савол туғилади. Ишимизнинг ушбу қисмида биз айнан шу масалалар хусусида баҳс юритамиз.

Бугунги ахборот алмашинуви ниҳоятда глобаллашган, турли соҳалар ва улардаги техникалар ўзининг юксак чўққисига кўтарилган даврда ҳам биз кўпинча «касбий маданият», «касбий ахлоқ», «ўзи нон топиб еган касбига ҳурмат» каби тушунчаларга тез-тез дуч келиб турамиз. Хусусан, сўнгги вақтларда журналистика соҳасида касбий ахлоқ масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўзига хос принциплар, кодекслар ишлаб чиқилмоқда.

Аввало, этика тушунчаси ва унинг касбий этика деган кўринишига тавсиф берадиган бўлсак, «этика» сўзи юнонча «ethos» -

анъана сўзидан олинган. Унинг асосини одоб-ахлоқ тушунчалари ташкил этади. Этика атамаси илк бора юнон файласуфи Аристотель томонидан истёъмолга киритилган². Аслида фалсафанинг бир бўғини ҳисобланган этика ишчилар синфи, яъни касб тушунчаси пайдо бўлгандан сўнг назарий жиҳатдан анча такомиллашди. Этика бу маънавий-назарий жиҳатдан асосланган тушунча бўлиб у инсонларга амалий жараёнда асқотади ва инсонийлик нуқтаи назаридан туғри келмаган, одоб-ахлоқ меъёрларига зид булган амалларни бажаришдан тийилиши учун вужудга келди. Дастлабки йилларда аниқроғи этика тушунчаси вужудга келиб, назарий жиҳатдан мустаҳкамлангандан сўнг, унинг олдида икки муаммо пайдо бўлди, яъни:

а) инсон фаолиятидаги этика;

б) одоб-ахлоқ меъёрларини назарий жиҳатдан мустаҳкамлаб муомалага киритиш.

Этика тушунчаси пайдо бўлганидан буён инсон иш фаолиятида ўзига хос фидойилик кўрина бошлади. Эндиликда инсон нафақат ўзи ҳақида, балки уни ураб турган жамият олдида ўз бурчини ҳис эта бошлади. Касб ва этика тушунчалари чамбарчас боғланди ва бу боғланиш касбий этика меъёрлари ва принципларини келтириб чиқарди.

Касбий этика касб эгасини ўзини-ўзи тутиши, этик меъёрларга риоя қилиш, қолаверса, бу шахсга, унинг касбига эҳтиёж сезган жамият олдидаги бурчни ҳис эта олишни таъминлашда ёрдам беради.

Энди касбий этика тушунчасига аниқроқ таъриф берсак, рус олимлари томонидан ёзилган «Педагогическая этика» асарида келтирилган таъриф алоҳида эътиборга сазовор. Унда шундай дейилади:

² Словарь по этике. Политиздат. 1983. 422-бет.

«Касбий одоб-ахлоқ спецификасини урганувчи илм бу касбий этикадир».³

Ҳар бир касб эгаси хоҳ у зиёли, хоҳ у оддий ишчи бўлсин, ўзининг касбий этика меъёрларини нафақат билиши, балки уни ҳис эта билиши ҳам лозим.

Касбига фидойилик, тўғрилиқ, тенглик, бурч (касб олдидаги ва инсонлар олдидаги) каби тушунчаларни ўзига асос қилиб олган касбий этика бугунги кунда алоҳида катта ва кенг қамровли йўналишга айланди. Касбий профессионализм ва этика бирлашди ва янги илмга айланди. Ҳозирда касб ва этика тушунчаларини алоҳида-алоҳида тасаввур этиб булмайди. Улар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолга келган.

Ҳар бир касб эгаси ўз мажбуриятлари, ўз касбий этика меъёрларига риоя қилиши лозим. Айниқса, ҳуқуқ соҳаси ходимлари, шифокорлар, ёзувчилар, журналистлар ва бошқа тармоқ вакилларининг ўз касбларига жиддий ёндашуви уларнинг аввало халқ олдидаги бурчи ва касб этикаси ҳақидаги тасаввуридан келиб чиқади.

Касб этика хусусиятларига тухталадиган булсак, Г.В. Лазутина касбий ахлоқ хусусиятларини уч қатламдан иборат булган эҳром(пирамида)га қиёс қилади. Унинг фикрича, энг аввало, яъни биринчи қаватда касбий бурч, масъулият, виждон, ор-номус, ғурур каби тушунчалар туриши лозим. Иккинчи уринда касбий этика принциплари ва ниҳоят шахсий касбий этик меъёрлар булади⁴. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар бир касб эгаси, аниқроғи инсонлар билан доимий мулоқотда булувчи ҳар бир киши юқорида санаб утилган тушунчаларни билмоғи, қолаверса, касбий этика меъёрларига риоя қилмоғи лозим. Педагог, психолог, шифокор, судья, журналист –

³ Писаренко В.И., Писаренко И.Я. Педагогическая этика. Минск. 1973. 37-бет.

⁴ Лазутина Г.В., Технология и методика журналистского творчества. Методические указания. 72-бет.

бир суз билан айтганда халқ билан, омма билан иш юритувчи касб эгалари халқаро, умумий ахлоқ меъёрларига риоя қилишлари керак булади⁵.

Албатта, бундан ҳар бир касб эгасининг алоҳида касбий этикаси мавжуд деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Чунки касбий этика принциплари ва меъёрлари умумийдир ва ҳар бир соҳада фаолият олиб бораётган шахсга тааллуқлидир. Шу асосда ҳар бир жамият ходимлари билан биргаликда иш юритувчи касб эгаси барча риоя қиладиган ва тўғри деб топган ахлоқий талабларга буйсунмоғи лозим. Эндиликда касбий этиканинг айнан журналист фаолиятига алоқадорлигини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Юқорида қайд этилганидек, касб этикасининг уз ахлоқий меъёр ва принциплари мавжуд булади. Журналист касби ҳам бундан мустасно эмас. Бироқ журналистика этикаси анчагина конкретлаштирилган бўлиб, у кўпгина ахлоқий қирраларни ўз ичига олади. Лекин шу ўринда журналист касбининг ута машаққатли ва турли кутилмаган вазиятларга бойлигини ҳисобга олганда ҳамма вақт ҳам касбий ахлоқ принципларига амал қилиш қийин эканини ҳам таъкидлаш лозим булади. Шу ўринда амалий мисолларга мурожаат қиламиз. Ажойиб фельетоннавис И.Шатуновскийнинг хотираларидан:

Сабзавотлар дўконида ёшгина қиз тарозига саккиз дона бодрингни қуйди. Шулардан турттаси истеъмолга мутлақо ярамайдиган, чириган бодринглар эди. Буни кўриб мулойим оҳангда ҳурмат билан уларни алмаштиришини сурадим. Бунга жавобан сотувчи қиз дағаллик билан «Нимани беришса, шуни сотаман-да!» деб жавоб қайтарди.

⁵ Писаренко В.И., Писаренко И.Я. Педагогическая этика. Минск. 1973. 28-бет.

Наҳотки, бу сотувчи қиз менинг янги фельетонимнинг қахрамони бўла олмайди?! Албатта, бўла олади. Бироқ кейинчалик В. Шатуновский бу сотувчи ҳақида фельетон ёзиш касбий ахлоққа туғри келмаслигини батафсил тушунтиради. Унинг ёзишича: «Менга дағал муносабатда бўлган сотувчи қиз ҳақида материал йиғиб, шу мавзуда фельетон ёзаётганда ўзимнинг шахсий баҳойимни билдириб ҳақиқатни керагидан ортиқ бўрттириб юборишим мумкин эди. Аламзада кўнгилдан чиққан фикр ҳар доим ҳам туғри бўлмайди. Агар жаҳл устида шу куннинг ўзида ушбу сотувчи қиз ҳақида фельетон ёзганимда бу фельетон керагидан ортиқ буёққа эга булиб, асл ҳақиқатдан анчагина йироқ булган булар эди».⁶

Фельетон ёзувчи журналист шошқалоқлик билан иш юритиши мақсадга мувофиқ эмас, албатта, чунки журналист субъектив фикр билдиришга ҳаққи йўқ. Шунинг учун ҳам кўпгина фельетоннавислар ўз материаллари чиққанидан сўнг, одамлардан кўплаб танқидий фикрларга дучор буладилар. Ахир ҳолислик журналистик касбий этикасининг бош омили ҳисобланади. Агарда кўча-куйда безорилар судьяни ҳақорат қилса, ушбу безорини бошқа бир судья жавобгарликка тортади. Бизнингча, журналистнинг объектив судья сифатида қатнашгани ўринли. Чунки можаро иштирокчиси сифатида ҳаёт муаммоларида иштирок этиш журналист касбий этикасига зид.⁷

Ҳар бир журналист фаолияти самарадорлиги унинг касбий этика принципларини нақадар чуқур англаши ва уларга қатъий амал қила олиши билан боғлиқдир. Чунки журналист ўз касбий этика меъёрлари ва принципларидан четга чиқа олмайди. Бевосита аудитория, халқ ва оммага хизмат қилувчи журналист ўзи фикрлашга, ўзининг шахсий тасаввури билан материал ёзишга ҳаққи йўқ. Туғри, шундай материаллар борки, у ерда журналист ўз шахсий фикрини билдириб

⁶ Шатуновский И. Что может журналист. М.: 1976. 39-42-бетлар

⁷ Ўша асар. 41-42 бетлар

утишга ҳақли, бироқ фақат ва фақат объектив равишда, фактларни шахсий фикрларга аралаштириб юбормаслиги талаб этилади. Бироқ шу уринда бир нарсани айтиб ўтиш зарур, «журналист – ўқувчи», «педагог - ўқувчи», «шифокор - бемор», «терговчи – гумондор шахс», «судья - судланувчи» каби тушунчалари ўзаро боғлиқ. Бироқ «журналист ва ўқувчи» муносабати ўзининг эркинлиги билан ажралиб туради. Демокчимизки, педагогда ҳам, ўқувчида ҳам имконияти деярли йўқ. Бири ўқиши ва бири ўқитиши шарт. Уларнинг хоҳишига боғлиқ равишда бу ҳолатни ўзгартириб бўлмайди. Ундан ҳам кам имконият терговчи ва гумондор шахс муносабатларида бўлади. Бемор ҳам ўз саломатлик даражаси, хоҳиш-иродасига кўра шифокорни танлайди. ОАВ мухлиси - бу мутлақо бошқа масала. У ҳар доим танлаш имкониятига эга. Хоҳласа, газетани ўқиши, радио эшитиши ёки телевизор томоша қилиши ёхуд уларни четга суриб қуйиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам журналист фаолияти бевосита ўқувчи хоҳиш истагига ўзвий боғлиқ. Шундай экан журналист фаолиятида ҳар жиҳатдан ўқувчи хоҳиш-истаклари (албатта, уларнинг ҳақиқатга яқин истаклари)га хизмат қилади, уни қайсидир маънода ҳимоя қилади. Энди айнан журналист касбий этикасига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Касб ахлоқи ва унинг меъёрларига таяниб иш кўрувчи журналист доимо ўқувчилар орасида алоҳида ҳурмат ва эътибор билан эъзозда бўладилар. Маълумки, инсон ва умуман инсоният ҳамма нарсадан устун туради ва қадрланади. Барча нарса ҳазрати инсон учун. Демак, журналист ва умуман барча касблар инсон манфаатларига хизмат қилади. Журналист ва ўқувчига жамият томонидан кўпгина талаблар қўйилади. Аммо журналистга қўйилган талаблар кўпроқ ва кенгрок бўлади. Юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг асл моҳиятини кўрсатиб беришда энг аввал журналистга холислик, аниқлик ва ҳаққонийлик зарур бўлади.

Шунинг учун ҳам холислик, аниқлик, ишончлилик касбий этика кодексларида устивор йўналиш этиб белгиланган. Бугунга келиб, журналист этикаси янгидан-янги қарашлар, фикрлар билан тўлдириб боришмоқда, лекин барибир, журналист касб этикасининг асосий тушунчалари: виждон, бурч, холислик, аниқлик кабиларни ўз ичига олади.

Жаҳоннинг машҳур ва айна вақтда дунёнинг турли минтақаларида ўзига хос аудиториясини шакллантириб улгурган NHK корпорациясининг радио ва телеканали ҳам ўз фаолияти жараёнида ўзига хос принципларни шакллантириб улгурган. Зеро, уларнинг дастурларини кузатар экансиз, аниқлик, тезкорлик ва ахборотлилик (фактларга бойлик) ниҳоятда юксак даражада эканлигини сезиб олиш қийин эмас. Жумладан, биз уни NHK телерадиокомпаниясининг асосий телеканаллари фаолиятида ва улардаги дастурларнинг ўзига хос тузилиши ва сермазмун мундарижасини таҳлил этиб ўтамыз.

NHK Hi- Visionда ҳар бир соат оралиғида япон ва инглиз тилларида, шунингдек, Лотин Америкасига йўналтирилган эфир дастурларида кунига икки маротаба испан тилида кундалик ҳодисаларни ёритиб боровчи 30 дақиқалик ахборот дастури узатилади. У дунё телетомошабинларини Япония, Европа ва бутун жаҳонда рўй берган воқеалар, бизнес оламидаги сўнги янгиликлар ва ҳафта охирида спортнинг барча турларига оид ахборот билан таъминлайди. Шунингдек, кундалик дастурлар давомида «Күо Кага Маоһ» номли дастури орқали куннинг энг муҳим воқеаларини танлаб, уларнинг келиб чиқиш сабабларини текширади ва таҳлил қилади.

NHK Hi- Vision тележурналистларининг табири билан айтганда: «ўз мухлисларини 24 соат давомида янгиликлар билан таъминлаб туради».

Энди бевосита телеканал ижодкорлари фаолиятида яққол кўзга ташланадиган касбий ахлоқ принциплари хусусида фикр юритадиган бўлсак, ҳар бир лавҳада қисқа вақтда катта маълумотни сиғдиришга интилиш яққол кўриниб туради. Ҳар уттиз дақиқадан сўнг 10 дақиқа мобайнида *Kyo Kara Maoh* дастурининг қисқа янгиликлари кетади. Унда купроқ лид усули етакчилик қилади. Бир ёки икки жумла орқали куннинг муҳим воқеасини мухтасар баён этишга интилишади. Бироқ бу ўринда асосан журналист фикри ёки жумласи берилгани боис биз уни тула маънода ҳолис дея олмаймиз. Чунончи, маълум бир воқеа юзасидан атрофлича маълумот бериш, турли ишончли манбалар, махсус мутахассислар ёхуд уша воқеанинг гувоҳларидан интервью олиб узатиш *Kyo Kara Maoh* дастурининг 6 дақиқалик ҳамда 9 дақиқа давом этадиган дастурларида кўринади ва уларнинг ўзига хосликлари хусусида кейинги фаслларимизда батафсилроқ тухталамиз.

1.2. Журналистнинг асосий касбий ахлоқий принципларига умумий тавсиф

Инсоният яралибдики, ҳақиқатни билишга интилиб яшайди. У доимо ўз атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг туб моҳиятига етиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини билишга интилади. Кундалик фаолияти бевосита ахборот йиғиш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлган журналистларнинг энг биринчи вазифаси ҳам жамиятга айнан ҳаққоний, ҳаёт ҳақиқатига мос ахборотни тарқатиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам айнан касбий этика соҳасида изланишлар олиб борган бир қатор олимлар, биринчи навбатда, ҳаққонийлик, ҳолислик ва сўз эркинлигини ҳимоя қилиш

принципларини алоҳида ажратиб кўрсатишади. Д.С.Авраамовнинг таъкидлашича, «касбий кодексларда мазкур талаблар турли вазиятларда аниқлаштирилади»⁸. Биз журналист касбий ахлоқий принциплари деганда нафақат мазкур абсолют талаблар, балки турли хусусий вазиятлардан келиб чиқиб, журналистнинг касбий ахлоққа мос тушишига йуналтирувчи меъёрларни ҳам тушунамиз. Бунда журналистнинг маълум бир вазиятларда ахлоқий йул тутишига асос бўлувчи бир қатор меъёрлар ишлаб чиқилган ва олимлар томонидан турлича қарашлар илгари сурилган.

Шу ўринда касбий ахлоқий принципларнинг ва кодексларнинг пайдо бўлишига бўлган эҳтиёж ва бу борадаги саъй ҳаракатларнинг сезиларли тус олиш тарихига қисқача тўхталиб ўтамиз. Зеро, журналистнинг кундалик ижодида самарали фаолият юритишига катта таъсир кўрсатувчи принципларнинг ўзига хос жиҳатлари ва улардан қайсилари мутахассислар томонидан биринчи даражали деб баҳоланганини биз шу асосда ўрганишимиз мумкин.

Таъкидлаш зарурки, дастлаб журналист этикаси алоҳида принцип ва меъёрлар билан мустаҳкамланмаган ва алоҳида кодекс ҳам ишлаб чиқилмаган эди. Маълумки, биринчи ёзма кодекс 1938 йилда ишлаб чиқилган «Хартия»лар булган. Ниҳоят, 1921 йилда журналистик ташкилотларнинг Гонолулудаги йиғилишида америкалик Жеймс Браун томонидан «Журналист ахлоқи қоидалари» ишлаб чиқиш таклифи киритилди. Браун ишлаб чиққан қоидалар қабул қилинмади. Бироқ унинг таклифи асосида Швеция, Бразилия, Финляндия каби мамлакатларда махсус журналистик меъёрлар ишлаб чиқилди. Шундай қилиб 1923 йилда АҚШда газеталар муҳаррирлари томонидан «Журналистика канонлари» номли ҳужжат ишлаб чиқилди ва бир овоздан маъқулланди. Ва у ҳозирга қадар журналистлар

⁸ Авраамов Д.С. Профессиональная этика журналиста. М.: 1992. 37-бет.

фаолиятида ахлоқий меъёрлар сифатида хизмат қилмоқда. Бироқ унда аср бошидаги эркин матбуот концепцияси таъсири сезилиб туради. Ушбу концепциянинг умумий демократик йўналишлари кейинчалик илк журналистларнинг пайдо бўлишига асос бўлиб хизмат қилди. Унда олий мақсад қилиб энг аввало, сўз эркинлиги ва инсонларнинг ахборот олиш ҳуқуқи қўйилган. Шу билан бир қаторда журналист касбий этикасининг асосий тушунчалари, меъёрлари қайд этилган. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, одатда, бундай жиддий хужжатларда умуминсоний ахлоқ меъёрлари, одоб-ахлоқ, этик муаммолар киритилмайди. Аммо ҳар бир қонуннинг қушимча қилинган ҳолатда этик меъёрлар қайд этилади. Мисол учун, «Ҳақиқатни ҳар вақт, ҳатто бу фактлар сенга, иккинчи, учинчи томон ва ҳоказоларга ёқмаса ҳам ёзишга мажбурсан. Бироқ шу билан бирга ҳар бир шихс ғурури, ор-номусини ҳурмат қил, виждонга қарши чиқма ва ҳеч кимдан пора олма. Йўл қўйилган хатоларни тўғирла, ҳар бир демократик институтни ҳурмат қил ва умуминсоний ахлоқ меъёрларига риоя қил»⁹, дея таъриф берилган. Бундан ташқари, дастлаб Прага шаҳрида, сўнг Парижда халқаро ва маҳаллий журналистик ташкилотларнинг консультатив учрашувида 1983 йилда «Халқаро журналистларнинг этика принциплари» қабул қилинди. Ундаги ўзига хосликлар кейинчалик кўпгина мамлакатлар журналистлари учун, шу жумладан япониялик журналистлар учун ҳам, фундаментал этик принциплари бўлиб хизмат қилди. Учрашувда йирик ташкилотлар: Халқаро журналистлар ташкилоти, Халқаро журналистлар федерацияси, Халқаро католик уюшмаси матбуоти, Лотин Америкаси журналистлари федерацияси, Араб журналистлари федерацияси ва бошқалар. Ушбу ташкилотларни 400 мингдан ортиқ журналистлар бирлаштириб туради.

⁹ Мур Д.Э. Принципы этики. М.: Прогресс. 1984. 42-59-бетлар

Финляндиялик олим Ларс Браун турли мамлакатларда қайбул қилинган 59 та журналистика кодексларни мавзусига кўра таҳлил қилиб чиқади ва уларда энг кўп учрайдиган принципларни поғоналарга даражалаб чиқади. Биринчи ўринга ҳаққоний ва аниқ ахборотни тарқатиш талабини қўяди. Унинг таъкидлашича, бундай модда таҳлил қилинган кодексларнинг 59 тасидан 53 тасида мавжуд.

ННК да фаолият юритаётган раҳбарларнинг фикрича унда доимо аниқлик ва ҳаққонийлик биринчи ўринга қўйилади. Мутахассислар бу борада қўйидаги фикрларни илгари суради:

ННК – том маънода Япония ТВсининг юзидир. Бундай таъриф ННК нинг глобал янгиликлар ва ахборот хизмати сифатида шаклланиши учун фаолият олиб бораётган 500 дан зиёд доимий ишчи ходимларни руҳлантирмай қолмайди. Бу таъриф ННК телерадиожурналистларининг ўз маҳоратларини мухлислари учун қанчалик муҳим эканини ўзида ифода этади»¹⁰.

Шубҳасиз, ННК журналистлари учун берилган бундай таъриф уларнинг алоҳида иштиёқ билан ишлашига сабаб бўла олади. Лекин бунда масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ўзини юз деб баҳолаган ташкилот ўзига гард юктириши мумкин эмас. Аниқроғи улар агар ахборотга бирор фактни ҳаққоний ёки ўз манфаатига хизмат қиладиган тарзда узатишга йўл қўйса, бу албатта ўз эътиқодини топташ, касбий бурчга ҳурматсизлик, қолаверса, аудиториянинг ҳаққоний ахборотни олишга бўлган ҳуқуқини бузишга олиб келади.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида журналист ахлоқига доир махсус касбий ахлоқий кодекслар мавжудлигини биз юқорида кўриб ўтдик. Уларнинг барчаси гарчи халқаро ҳуқуқий ва ахлоқий мезонлар, турли халқаро ҳужжатларга бўйсунган ҳолда

¹⁰ Бу ҳақида қаранг: www.nippon.co.jp электрон сайти

ишлаб чиқилган ва қабул қилинган булса-да, уларнинг ҳар бирида ўша мамлакат ўзига хосликлари, миллий ва ахборий маданиятидан келиб чиқиб касбий ахлоқнинг маълум бир жиҳатлари ва туғрироғи принципларига алоҳида урғу берган ҳолатлар мавжуд. «Профессионал маҳорат учун тўрт қадам» қўлланмасининг муаллифлари ҳам бу борада бир қатор кодекслардаги ўзига хос ажратиб кўрсатилган касбий ахлоқий принципларни таҳлил этишган. Чунончи, журналистлар учун чиқарилган ушбу мўъжаз қўлланмада бу хусусда шундай дейилади:

«Аксарият мамлакатларда журналист ахлоқига доир кодекслар мавжуд. Уларда мазмундан кўра, айрим акцентларга, у ёки бу ахлоқ нормасининг устунлигига асосланган фарқлар оз эмас».¹¹

Халқаро қонунчилик тарихида 1948 йилнинг 10 декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тасдиқланган «Инсон ҳуқуқлари умум жаҳон декларацияси» катта ўрин тутати. Мазкур ҳужжат ер юзидаги барча миллат, ирқ ва динлар учун ёт бўлмаган юксак инсоний туйғу-ўзаро муроса ва бардошлилик анъаналарини ўзида мужассам этганлиги билан бетакрордир. Қолаверса, «Инсон ҳуқуқлари ҳеч бир маданиятга бегона эмас ва барча халқлар учун табиийдир, - деб ёзади БМТнинг Бош қотиби Кофи Аннан мазкур декларациянинг 50 йиллигини нишонлаш йилининг бошланиши муносабати билан қилган мурожаатида.- Келишувчанлик ва бағрикенглик ҳама вақт давлат бошқаруви ва инсон ахлоқининг интилиш хислатлари бўлиб келган. Биз бугунги кунда ушбу хислатларни инсон ҳуқуқлари дея атамоқдамиз»

Декларациянинг «Муқаддима»сида инсонга, шахсга хос бўлган энг буюк ва зарур туйғу - қадр-қиммат тилга олинади.

¹¹ Халқаро журналистика стандартлари. Профессионал маҳорат сари тўрт қадам. Журналистика бўйича қўлланма. Т.: Уруш ва тинчликни ёритиш институти. 2002. 5-бет.

Дейлик, 1-моддада кадр-қиммат инсонга берилиши шарт бўлган бошқа бир муҳим мезон- ҳуқуқ билан бир қаторга қўйилади. Ижодий фаолияти жараёнида у ёки бу тарзда инсон тақдирига дахл кўрсатадиган ҳар қандай журналист ушбу икки норманинг аҳамияти дастурий қимматга эга. Чунки хоҳ ижобий, хоҳ танқидий йўналишдаги чиқишлар бўлсин, журналист ҳар қандай ҳолатда шахсининг кадр-қиммати нечоғли ҳурмат қилса, шу билан тенг равишда унинг ҳуқуқини ҳам поймол этишга ҳаққи йўқ.

Декларациянинг 12-моддасида ҳам журналистни огохлантирувчи, уни хушёрликка ундовчи нормалар белгилаб берилган. Яъни, ўзгаларнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ҳеч кимнинг, жумладан журналистнинг ҳам ўзбошимчалик билан аралашувига йўл қўйилмайди. Шахсий ёзишмалардаги сирлар ҳам дахлсиздир. 18-моддада ҳар бир инсон фикр эркинлиги ҳуқуқига эгаллиги зикр этилган. Навбатдаги моддада аввалги модда мазмуни мантиқан давом этади. Зеро, фикр эркинлиги уни эркин ифода қилиш ҳуқуқи билангина тулақонли аҳамият касб этади. Қолаверса, « ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъий назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги» ҳар қандай давлат оммавий ахборот воситалари соҳасига бевосита тааллуқли эканлиги билан эътиборга сазовор. Декларациянинг мазкур 18- ва 19-моддаларидаги қонун-қоида миллий матбуот соҳасига доир қатор қонун ҳужжатларида мутаносиб равишда давом эттирилган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида « ахборот ва ғояларни ...давлат чегараларидан қатъий назар излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги» (19-модда) баён этилган.

Одатда ҳурмат қилиш қонунийдан кўра ахлокий меъёр ҳисобланади. Хусусан, эркинликларга нисбатан ҳурматнинг кучайтирилиши талаби ҳам оддий инсоний, ҳам журналистнинг касб

одобига дахлдор дейиш мумкин. Чунки эркинликни хурматлаш туйғуси журналист фаолиятида ҳар қадамда, ҳар сонияда у ёки бу кўринишда намоён бўлади. 29- моддада зикр этилган « Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир» деган сўзлар ҳар бир журналистга шахсан айтилгандек таассурот қолдиради, жумланинг давоми « шахс эрки» тушунчасига равшанлик киритади, яъни « фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин».

1977 йил 8 июнда Женевадаги дипломатик конференцияда қабул қилинган Женева конвенцияларига доир қўшимча протокол қабул қилинди. Унинг III бўлим III боби « Журналистлар» деб номланган. Халқаро қуролли моjarолар қурбонларини ҳимоя қилишга тааллуқли мазкур ҳужжатнинг ушбу муъжазгина 79-моддаси «Журналистлар ҳимояси бўйича чоралар»га бағишланган. Модданинг 1- бандида қуролли моjarолар ҳудудида хатарли хизмат сафарида бўлган журналистлар фуқаро шахслар деб ҳисобланиши, яъни улар шу тариқа ҳимояланган бўлса, 2- бандда бевосита журналист учун касб одоби шарти уқдирилган. Унда ёзилишича . бундай вазиятларда журналистлар «фуқаро шахс мақомига мос келмайдиган ҳеч қандай ҳаракат содир этмаслик»лари керак.

Нуфузли халқаро ҳужжатлардан бири « Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»да (1966 йил 19 декабрда қабул қилинган) инсон шахсига хос бўлган кадр-қиммат туйғусининг сақланишига бирламчи қадрият сифатида баҳо берилиши билан бир вақтда 19-моддада « Ҳар бир инсон ҳеч бир тўсиқсиз ўз фикрига собит булиш ҳуқуқига эга»лиги, « Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ давлат чегараларидан мустақил ҳолда ёзма равишда ёки матбуот воситасида ёки ифодалашнинг бадий шакллари ёки ўз ихтиёрига кўра бошқача усулларда турли

ахборот ва ғояларни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини камраб» олиши таъкидланади.

Нуфузли халқаро ҳужжатлардан бири сифатида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) « Инсонийлик мезонлари» бўйича қатор ҳужжатлари катта аҳамият касб этади. Ташкилотнинг 1975 йил Хельсинкида қабул қилган яқунловчи ҳужжатининг алоҳида бир боби «Ахборот» деб аталган. Мазкур боб барча бандларининг бош мақсади «Иштирок этувчи давлатлар бошқа иштирок этувчи давлатлар ҳаётининг турли жихатларини кенгрок билиш ва тушуниш эҳтиёжи»дан келиб чиққан. Яъни, ўзаро ахборот алмашишнинг барча воситаларидан тўла-тўқис фойдаланиш ва бунга тўғаноқ бўладиган барча тўсиқларни олиб ташлашни иштирок этувчи давлатлар қз олдиларига мақсад қилиб қўйишлари керак. Бу катта мақсад-вазифаларни амалга ошириш механизми сифатида иштирок этувчи давлатлар ахборот тарқалиши, ундан фойдаланиш ва ахборот алмашинувини яхшилашлари даркор. Оғзаки ахборот, босма ахборот, кино, радио ва телевидение сингари электрон ахборот тарқатиш шакллари шулар жумласидандир.

Санаб ўтилган турдаги кодекслар ва хоказо ҳужжатлар ўртасидаги муайян тафовутлар истисно қилинган тақдирда ҳам оммавий ахборот воситасининг қайси турида фаолият юритаётганидан қатъи назар журналист ўз ўқувчиси, тингловчиси, томошабини ва ўз ҳамкасблари олдида ҳисобдор. Шундан келиб чиқиб, у қўйидаги бир қатор талабларни ўзининг доимий касб одоби нормаларига айлантормоғи фойдадан холи бўлмайди:

- Журналист ўзи тарқатаётган ахборотнинг аниқлигига, ҳолислигига жавобгар;

- журналист ўзи тарқатаётган ахборотнинг қайси манбадан олаётганлигини текшириб кўриши шарт;

- журналист ўзи тарқатаётган ахборотнинг қайси ва қандай аудиторияга мўлжалланганини, тарқатаётган ахбороти кимларга ижобий, кимларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини аввалдан билмоғи зарур;

- журналист контекстдан ўзиб олинган ахборот чала ахборот эканлигини ва бундай ахборот одамларни чалғитиши мумкинлигини унутмаслиги керак;

- журналист ахборот бериш ва ахборотни таҳлил қилиш ҳолатлари уртасидаги фарқни ўзи учун жуда аниқ белгилаб олмоғи зарур;

- журналист ғавқулотда ҳолатларда, сенсацияга айланиб кетиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатишда хушёрликка, мулоҳазакорликни унутишга ҳаққи йўқ;

- журналист кам сонли миллат вакилларига қаратилган, болаларга, аёлларнинг шаъни, кадр-қиммати паймол этиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатиш номақбул оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ёдда сақламоғи шарт;

- журналист баъзан шахсан ўзига маъқул келмаган ахборотни ҳам хизмат юзасидан тарқатишга масъул;

- журналист жамиятда фикр хилма-хиллигини таъминлашга имкон яратувчи, фуқароларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъмин этувчи, ижтимоий масъулият туйғусини ҳамиша ёдида сақлашга мажбур бўлган касб соҳиби эканлигини унутмаслиги даркор.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ишлаб чиқилган «Босма ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистларининг ахлоқ-одоб кодекси» ҳамда «Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари хартияси»да ҳам журналистнинг касб одоби хусусида бир қатор моддалар ишлаб чиқилган. Кодексдаги икки бўлимнинг

биринчиси « Журналист ўз вазифасини адо этишда кўйидагиларга амал қилиши шарт» деб аталади. У етти банддан иборат. Журналист олдига кўйилган биринчи талаб « объектив воқеликни рост акс эттириш орқали одамларнинг ҳаққоний ва рост ахборот олишини кафолатлаши»дан иборат. Дарҳақиқат, воқеликни тўғри акс эттириш ва кишиларга ҳаққоний ахборот олишини кафолатлаш журналист зиммасидаги бирламчи муқаддас бурч саналади. Шундай улуғ бурчни адо этар экан, у иккинчи бандда зикр этилганидек, «умумэътироф этилган одоб-ахлоқ меъёрлари, шунингдек, ўзаро муносабатлар мезонларига риоя этиши, гўзал инсоний фазилатларни намоён қилиши, инсон шаъни ва кадр-қимматини ҳурматлаши» зарур.

Журналистнинг касб одобига дахлдор қонун моддалари ва бандлари бир неча гуруҳга бўлинади:

- журналистнинг профессионал фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос яратган мода ва бандлар;
- журналист шахсини муҳофаза этувчи модда ва бандлар;
- журналист ёзган асарларга кенг йўл очувчи модда ва бандлар;
- журналист бурчи ва масъулиятини таъкидловчи модда ва бандлар.

Журналистнинг касб одоби журналистдан:

- ўзининг ижодий маҳоратини доимий равишда ошира боришни;
- ўз касбига садоқатли бўлишни;
- ҳар қандай вазиятда босиқ, вазмин, шу билан бирга изланувчан, топқир, иродали бўлишни;
- ўзига, ижодига танқидий муносабат туйғусини шакллантирмоқликни тақозо этади;

Журналистнинг касб одоби журналистни:

- ноҳолис нуқтаи назарларни қуллаб-қувватлашдан;

- таъмагирликдан;

- манфаатдорликдан;

- бухтон ва ёлғон ахборот тарқатишдан;

- гуруҳбозликдан;

- интизомсизлик ва дангасаликдан;

- кишилар шаънини булғашдан;

-ўз ижодий жамоаси ва ҳамкасбларига нисбатан хурматсизлик ва эътиборсизликдан қайтаради.

«Журналистика нафақат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ходиса, балки у биринчи навбатда маънавий-маърифий, ижодий характердаги санъаткорона касб туридир. Шахсий-инсоний маданият ва одоб-ахлоқ тушунчалари ижодий маҳорат сирлари билан чамбарчас уйғунлашиб кетган фаолият майдонидир. Бундай ижод турига ўзини бахшида қилган киши халқаро қонун ҳужжатларида баён этилган нормаларни нечоғли профессионал ё непрофессионал журналист эканидан далолат беради»¹².

Энг муҳими, ахлоқ-одоб нормалари қасамёдлар йиғиндиси деб эмс, «балки журналистлар учун ўз хизмат вазифаларини чучимай-нетмай адо этиш тамойиллари» сифатида талқин этилмоғи керак.

Умумэтиканинг аҳамияти, ахлоқ-одоб кадриятларига бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан кўра жиддий тусда баралла айтилаётгани масаланинг бир жихати бўлса, унинг иккинчи жихати ёзининг

¹² . Дўстмуҳаммедов Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари. Т.: Янги аср авлоди. 2007, 31-бет.

зарурлиги, муҳимлиги билан тобора кенг тус олаётган, қамрови, кўлами ортиб бораётган соҳа - касб одоби муаммоларидир.

Журналистнинг касб кодекси зарурми ёки зарур эмасми, қабiliдаги бахслар мутлақо ноўрин. Зеро, касб кодекслари пировардида фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омилига айланади.

I.3. Япония журналистикасида амал қиладиган

ахлоқий кодексларда касбий принципларнинг акс этиши

Журналистика жамият кундалик ҳаётининг ойнаси ҳисобланади. Шундай экан у жамиятда руй бераётган барча мавзудаги воқеа ва хабарларни аудиторияга етказиши зарур ва бу инсоннинг дахлсиз ҳуқуқларидан бўлган сўз, фикр, ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги билан барча халқаро ҳужжатлар, ҳар қандай демократик давлатда, шунингдек, Японияда ҳам, амал қиладиган қонунчилик тизими орқали қатъий ҳимоя этилади.

Шу ўринда савол туғилади: Журналистлар жамият ҳаётида руй бераётган ҳар қандай янгиликларни эркин олиш ва беришдек ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлар касбий ахлоқда бу борада қандай мезон ва принциплар амал қилади?

Ишимизнинг ушбу фаслида биз айнан шундай масалалар хусусида фикр юритамиз. Бу ўринда биз кўпроқ таҳлилий объектимиз NHK телеканали Японияда жойлашган ва асосий бошқаруви ҳам, унинг кундалик дастурлари мазмунини белгиловчи асосий муҳаррирлар ҳам ўша ерда фаолият юритишини ҳисобга олиб, айнан Японияда амал қиладиган касбий ахлоқ кодексининг

журналистларнинг кундалик фаолиятларида айнан қайси принциплар асосида иш куришлари лозимлиги хусусидаги талаблари хусусида фикр юритамиз.

Ундан ташқари, бошқа хорижий давлатларнинг касбий этика хусусида чоп этилган қўлланмалари, ТВ кўрсатувлари хусусида ҳам тахлил юритамиз.

Японияда касбий этика соҳасида учта йирик ҳужжат амал қилади. Улар:

- 1. Журналистика Канонлари**
- 2. Матбуот нашрлари савдоси кодекси**
- 3. Матбуот рекламаси этика кодекси**

Тан олиш керакки, мазкур ахлоқий ҳужжатларнинг биринчи ва учинчиси бевосита бизнинг тахлилий объектимиз NHK билан боғлиқ ва бевосита Япония тележурналистлари учун асосий йўриқномалардан саналади. Иккинчиси кўпроқ босма нашрлар билан боғлиқ.

“Журналистика Канонлари” ахлоқий ҳужжати 2000 йилнинг 21 июнь санасида Япония матбаачилари ва муҳаррирлар уюшмаси (Nihon Shinbun Kyokai) томонидан қабул қилинган. Унинг сўзбошисида айтилишича, XXI аср бўсағасида матбуот нашрларининг янги муҳим вазифалари ҳамда уларнинг давомий тарздаги фаровон келажак куришга бўлган ҳаракатларини қўллаб қувватлаш мақсадида бу “Канон”лар қабул қилинган.

Ушбу ҳужжатда биринчи навбатда тилга олинган принцип “Демократик жамиятнинг бош белгиси бўлган халқнинг ҳақиқатни билашга бўлган ҳуқуқи” ва “сўз эркинлигини ҳурматлаш” тамойилларидир. Журналистлар янгиликларни излаш, тўплаш ва таҳрир этишда эркиндирлар ва, шунингдек, уларнинг ўзлари ҳам бошқаларнинг

худди шундай ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари зарур. Яъни омма учун тўғри ахборотни тарқатишга виждонан ёндашишлари зарур.

Шундан кейин Канонларнинг кичик сарлавҳали бўлимлари бошланади. Ҳар бир бўлим номи махсус принципнинг номи бўлиб, улар қисқа изоҳланади. “Канонлар”да қуйидаги принциплар таҳлил қилиниб, сарлавҳаларга чиқарилган.

1. Эркинлик ва жавобгарлик.
2. Аниқлик ва ҳақиқатгўйлик
3. Мустақиллик ва бағрикенглик
4. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш
5. Одобилик ва ўз-ўзини назорат қилиш

Кўриниб турибдики, мазкур ахлоқий тамойиллар фақат касбга дахлдор эмас. У кундалик ҳаётимизда барчани оддий кўча-кўйдаги муносабатларда ҳам амал қилиши зарур бўлган ахлоқий қарашлардир. Бироқ “Канонлар”да улар аниқлаштирилади. Ҳар бир принцип муҳаррир, репортёр ва аудитория билан ўзаро муносабатларда, реклама узатишда зарурлиги таъкидланади.

“Матбуот нашрлари савдоси кодекси” – 2001 йилнинг 20 июнь санасида “Журналистика Канонлари” га қўшимча тарзда янгиликларни тарқатиш ва сотиш муносабатларини тартибга солиш мақсадида Япония матбаачилари ва муҳаррирлар уюшмаси (Nihon Shinbun Kyokai) томонидан қабул қилинган. Унга кўра ҳар бир янгиликни тайёрлаш ва ОАВ каналлари орқали узатиш, журналистик материаллар, нашрларни сотишда халқнинг ҳақиқатни билишга бўлган ҳуқуқини ҳурмат қилиш, журналистлар ўз фаолиятида жамоатчилик ва маданий қарашларни ривожлантиришга хизмат қилаётганини ҳис қилишлари лозимлиги таъкидланган. Мазкур ҳужжатда ОАВ ўртасидаги ўзаро рақобатнинг соғлом ва ҳалол бўлиши зарурлиги ҳам таъкидланган.

“Матбуот рекламаси этика кодекси” – 1958 йилнинг 7 октябрь санасида қабул қилинган. 1976 йил 19 майда айрим ўзгартиришлар киритилган. Унда мухтасар тарзда ҳар бир рекламани узатишда аудитория манфаатларини ҳисобга олиш, рекламаларда фақат ҳақиқатни ёритиш, рекламалар ОАВ нинг ахборот беришига ҳалақит бермаслиги, яъни рекламалар бериладиган ахборот вақтини, ҳажмини эгаллаб олмаслиги, реклама узатишда мамлакатда амал қиладиган барча қонунларга бўйсунилиши зарурлиги уқтирилган.

Гарчи тўғридан-тўғри телерадиожурналистикага алоқадор бўлмаса-да, бироқ бу соҳага ҳам билвосита дахлдор бўлган мазкур йўриқномада журналистик фаолиятни чеклайдиган мезонлар йўқ. Лекин журналист турли мавзуларни қаламга олиш чоғида касбий ахлоқ мезонларидан четга чиқмаслиги зарурлигини таъкидловчи меъёрлар мавжуд.

Кўриниб турибдики, кодексларда журналист фаолиятидаги чекловлар қайси муаммони ёритиш ёки ёритмаслик зарурлигида эмас, балки уни ёритишда нималарга эътибор берилса, касбий ахлоқ нуқтаи назаридан туғри йўл тутилган бўлади деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилинади. Хужжатда бундай чекловлардан асосийларидан бири оғир жиноятларни кичик деталларигача ёритиб бермасликда ҳам кўринади. Зеро, фуқаролар хоҳлашадими йўқми ҳаётда уларнинг бошига турли муаммолар тушиши мумкин. Қолаверса, ҳали ҳаётда ўз йўлини тўла танлаб улгурмаган ёшлар журналистик материалда ёритилган жиноят ишига эргашмасликларига ҳеч ким кафолат бермайди.

II боб. Касбий ахлоқий принциплар журналист фаолиятини йўналтирувчи омил сифатида

II.1. Фактларни йиғиш ва талқин қилиш жараёнида принципларнинг аҳамияти

Журналист ахборотида ахлоқий меъёр ва тамойил асосида ҳаққоний, холис, сўз эркинлигини чегараламайдиган сифатларни тўла таъминлаш учун ҳаётда юз берган энг қизиқарли «илгари номаълум булган (янги оҳори тукилмаган), фавқулодда»¹³ хабар ва ҳодисаларни саралаш улар туғрисида факт ва маълумотларни тўплашнинг ўзи камлик қилади. ОАВ ўзи табиатан янгилик сифатига эга ҳодисаларни оддийгина ёки очикдан-очик узатиб бермайди. Янгилик ижтимоий йўналтирилган категориялар тўпламига асосланиб воқеа ва мавзуларни тизимли равишда хилларга ажратиш ҳамда танлаш билан бошланувчи умумлашма жараёнларнинг якуний маҳсулидир.

Шу асосда айтиш мумкинки, журналист ўзи танлаган мавзу доирасида тўплаган маълумотларни муносиб ва самарали равишда туғри кетма-кетликда қуйиши, касбий ахлоқнинг зарурий талаблари асосида фактлар устида ишлаши, ўз асаридаги фикр ва ҳодисалар ҳаққонийлигини ўқувчига аниқ тамойилидан келиб чиққан ҳолда бетарафлигини исботлаши учун камида икки ёқлама фикрни бериши кабилар бевосита журналист фикрларни исботлаш, талқин қилиш, шарҳлаш жараёни билан боғлиқ.

Ҳозирги ахборот алмашинуви жараёнлари ғоят кескинлашган бир шароитда журналист ахбороти зиммасига ижобий мазмундаги

¹³ Рендалл Д. Универсальный журналист. Алматы. 1997. 36-бет.

факт ва хабарларни мутаносиб ҳолда узатиш, воқеаликни кимнингдир таъсири ёки нуктаи назаридан келиб чиқиб баҳолаш, талқин этиш кабилардан қочиш вазифаси юкланиши табиий ҳолдир. Шу муносабат билан ОАВ ходимлари ижодида воқелик манзараларини талқин этиш, шарҳлаш муаммоси сезиларли кучга эга. «Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти» ўқув қўлланмаси муаллифлари берган таърифларига кўра «Факт талқини истилоҳи хабар қилинаётган воқеа-ҳодисани мазмунан изоҳлаш, маъно-мундарижасини тушунтиришни англатади ҳамда узатилаётган воқеликка яқинлаштиришга, у билан мувофиқлаштиришга имкон беради. Демак, журналист талқини ҳаётнинг ёритилаётган бир «булагини воқеликдаги айнан шунга монанд ҳодисалар мезонида баҳолаш ва уларни ўзаро қиёслаш орқали ижтимоий қиймати ва аҳамиятини тайин этиш имкони ва усулидир»¹⁴.

Таъкидлаш керакки, гарчи журналист ўз ижодида рўй берган воқеани бор ҳолича тасвирлаб беришга ҳар қанча уринса ҳам материални тайёрлаш ва чоп этиш жараёнида ахборотга озми-кўпми муаллифнинг, таҳририятнинг муассиснинг, ахборот манбаининг ижтимоий тажрибаси, интилиши ва манфаатлари таъсир этиб туради. Шу сабабли айни бир факт, воқеа турли сиёсий, ижтимоий ва бошқа йуналишлардаги нашрлар томонидан турлича шарҳланиши, баҳоланиши ва тушунтирилиши мумкин.

Агар биз журналистика соҳасида амал қилаётган касбий-ахлоқий тамойил ва меъёрларни айнан асарда воқеликни шарҳлаш, фактларнинг туғрилигини исботлаш нуктаи назаридан текширсак, аксарият меъёрлар орқали ОАВ ходимлари олдига бу борада бир қатор талаб ва мажбуриятлар қўйилганини гувоҳи бўламиз. Зеро, «талқин этиш холислик (беғаразлик) ҳамда ҳаққонийлик тамойилларига асосланади. Шу асосда айтиш мумкинки, ҳозирги

¹⁴ Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Тошкент. 2002. 32-бет.

вақтда фактлар билан ишлаш, ўз ахборотининг ҳақиқатга яқинлигини исботлаш жараёнларида журналистлар орасида ўзига хос шиор даражасига кўтарилган «фактларга шахсий фикрларни аниқ ажратган ҳолда ёндашиш» тушунчаси халқаро ёки маълум бир мамлакат миқёсида қабул қилинган ахлоқий тамойил ва меъёрларнинг барчасида у ёки бу шаклда ўз ифодасини топган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, журналист материалида фактлар устида ишлаш, уларни баҳолаш ижодкорнинг асарни яратишдаги залворли меҳнатининг энг сунгги, айтиш мумкинки, мураккаб босқичидир. Бу жараёнда асосий касбий этика тамойиллари бўлмиш ҳаққонийлик, холислик (бетарафлик) ва сўз эркинлигига қатъий амал қилиш муҳим зарурият сифатида баҳоланади ҳамда журналистика назариясида қилинган кўпгина тадқиқотларда ушбу заруриятни ҳар томонлама таъминлаш усуллари борасида турлича қарашлар илгари сурилади. Инглиз тадқиқотчиларидан бири Гай Тачмен ўзининг “Objectivity as Strategic Ritual: An Examination of Newsmen’s Notion of Objectivity” номли тадқиқотида фактларга аниқлик киритиш ва холисликни таъминлаш учун ахборотнинг формал атрибутлари сифатида қараладиган тўрт стратегик процедура (қонуният)ни илгари суради.

- ✓ Зиддиятли эҳтимолларни тайёрлаш;
- ✓ Ёрдамчи далилларни тайёрлаш;
- ✓ Ахборотни туғри (муносиб) кетма-кетликда тузиш;
- ✓ Кучирма ва қуштирноқларни моҳирона (мулоҳаза билан) қуллаш¹⁵.

Биз битирув малакавий ишимизнинг мазкур фаслида ушбу процедураларнинг тадқиқотчи қарашларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этишга ҳаракат қиламиз ва зарурий ўринларда касбий этика

¹⁵ Қаранг. Эркин сўз. Ахборот ҳуқуқи муаммоларига доир тўплам. Т.: Ижод дунёси. 2003. 25-бет.

тамойилларига мурожаат этамиз. Бевосита фактлар билан ишлаш жараёнида кўпинча туғрилиги исбот талаб қилинадиган маълумотларга аниқлик киритишнинг иложи бўлмаслиги мумкин. Шундай ўринларда ҳам журналистнинг фактлар туғрилигини аниқлаши мажбурий вазифадир. Бу ҳолатда турли тахминларни илгари суриш ва асоссиз фикрларга таяниш ярамайди. Қолаверса, «Профессионал журналистлар жамиятининг ахлоқ кодекси»да белгиланган «янгилик ходисаларини нотўғри (бошқа) томонга йуналтирувчи қайта ишлашлар ва саҳналаштиришдан сақланиш»¹⁶ мажбуриятининг бузилишига йул қўймаслик зарур. Шундай экан, бундай вазиятдан қандай чиқиб кетиши мумкин? Биз бу саволга қуйидаги мисол орқали жавоб беришга ҳаракат қиламиз:

Масалан, бирор-бир машҳур давлат арбоби бир фикрни айтгани тўғрисида хабар топилса-ю, аммо бунга аниқлик киритишнинг иложи бўлмаса, бундай маълумотни ёритиш нашр турига ҳам, журналистга ҳам муаммо туғдиради. Шу боис журналист ўзи боғланиши мумкин бўлган бошқа раҳбардан ўша маълумотнинг туғри ёки нотўғри эканлигини тасдиқлатиб олиши зарур. Хориж мутахассисларидан Жеймс Беннетнинг фикрига кўра, турли суриштирувлар асосида биргина фикрни бериш, очикроғи, бизнинг ушбу мисолимиздаги фақат иккинчи кишининг фикри асосида асар ёзиш ҳам ярамайди. Агар журналист ҳар иккала арбоб қарашлари, мулоҳазаларини ўз асарида берса, шундагина у холис йул тутган бўлади¹⁷. Чунки бунда журналист Ричард Ровере илгари сурган «ҳикоянинг ҳар икки томонини тайёрлаш»¹⁸ қондасига мувофиқ ҳолда ўз бетарафлигини намоиш қилади. Шу билан бирга икки тарафдан қайси бири туғри фикр билдирганини ҳал қилиш ўқувчи ихтиёрига топширилади.

¹⁶ <http://www.uta.fi/ethicnet>

¹⁷ Қаранг. Эркин сўз. Ахборот ҳуқуқий муаммоларига доир тўплам. Т.: Ижод дунёси. 2003. 25-бет.

¹⁸ Howard T. News; A Reader. Oxford University Press. 1999. 302-бет.

Журналист матбуотда эълон қилиш учун материал тайёрлаш жараёнида:

- аҳолини ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш вазифаси ва бурчидан келиб чиқиб долзарб, кўпчилик учун муҳим ва қизиқарли мавзуларни танлашни;

- ўз ўқувчилари (томошабин ва тингловчилари) контингентини, психологиясини, қабул қилиш имкониятларини эътиборга тутишни;

- ёритаётган мавзусини, унинг бошқа ОАВ томонидан ёритилиши аҳолини атрофлича ўрганишни;

- ахборот тайёрлаш ва узатишда тезкорлик, ҳаққонийлик ва ҳолислик тамойилларига риоя қилишни;

- ахборот излаш, олиш, тўплашда юксак касб маҳорати ва касб одоби талабларига риоя этишни;

- ахборот манбаи манфаатларини ҳурмат қилиш ва унинг сирларини сақлашни;

- ахборот олишда ёлғон, алдов, тўхмат, кўрқитиш, пўписа қилиш сингари услублардан фойдаланмасликни;

- ахборот тўплашда имзосиз хат-хабарлар, манбалардан фойдаланмаслик, миш-мишларга, асоссиз овозаларга чалғимасликни;

- тайёрланган материални (мақола, интервью, суҳбат ва хоказони) эълон қилишдан аввал уни яна бир қарра диққат ва масъулият билан назардан ўтказишни;

- ахборот манбаидан, мақола қаҳрамонидан совға-салом, эсдалик ва шу сингари ҳадялар олишдан сақланиш орқали журналистлик шаънини асрашни ўзининг касбий бурчи деб ҳисоблайди.

Материалда холис талқин қилиш ахлоқи хусусида гап кетганда, журналист хабар билан реклама бериш ва қориштиришлардан узоқ бўлиши кераклигини таъкидлаш зарур. Германияда қабул қилинган «Публицистика принциплари» («Матбуот кодекси»)да бу борада қуйидагиларни ўқиймиз:

«Матбуотнинг жамоатчилик олдидаги бурчи тахририят материали учинчи шахснинг хусусий ёки тижорий манфаатига боғлиқ бўлмаслиги кераклигини тақозо қилади. Нашриётчилар вам муҳаррирлар тахририят матнлари ва реклама материаллари ўртасига аниқ чегара(фарқ)ни курсатиб туриши учун зарурий чораларни кўришлари шарт»¹⁹.

Зеро, журналист ўз вазифаси мақсадига кўра жамоатчилик манфаати учун хизмат қилар экан, бир ёқламалик ёки фақат бир томонни ҳимоялаши ёки биргина фикрни дастак қилиб олиши мумкин эмас.

Бу ўринда НКБ бутун жаҳон хизмати мухбирлари амалиётидан ўзига хос бир усулни келтириб ўтиш ўринли. Маълум бир жиддий воқеани таҳлил этишда соф хабар шаклидаги маълумот ўқиб эшиттирилгач, айти шу масала юзасидан радио орқали суҳбат ташкил этилади ва бу суҳбатда ҳам агар этибор берилса, албатта ўша воқеага манфаатдорлиги нуқтаи назаридан икки қарама қарши кутба турадиган шахслар ўзаро телефон орқали ўз муносабатларини билдирадилар. Шу вақтнинг ўзида улар бевосита телефон орқали баҳсга киришиб, воқеани томонлари манфаатидан келиб чиқиб баҳолайдилар. Шубҳасиз, бу усулда ҳам журналист учун ўз ахборотини аудиторияга етқизишда холисликни таъминлаш имконияти кенг бўлишини сезиб олиш қийин эмас. Зеро, бундай

¹⁹ Профессиональная этика журналиста. Документқ и справочнке материалқ. –М.: Медея, 2003. 120-бет

вазиятларда журналистдан ташкилотчилик қобилияти ҳамда ўз тингловчисининг қизиқишини ҳисобга олган ҳолда суҳбат мавзусини турли томонга йўналтириб туриш бўйича топқирлик талаб етилади.

II.2. Журналистнинг аудитория билан самарали муносабат ўрнатишида амал қилувчи асосий ахлоқий меъёрлари

Журналист касбий этикасида ахборот қабул қилувчи абресат – ОАВ аудиторияси билан тўғри муносабат олиб бориш энг муҳим масалалардан биридир.

Ўқувчи, радиотингловчи, телетомошабин - улар учун журналист фаолият юритади, ўз меҳнати маҳсулини уларга тортиқ қилади энг муҳим янгиликларни ўз вақтида етказиш ва уларни тушуниб етишларига ёрдам бериш учун жамият ҳаётида тўхтовсиз ўзгараётган воқеалар ортидан ҳар сония кузатишдан чарчамайди. Бироқ бу борада шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳамма вақт ҳам барча ОАВ берган маълумотлар аудитория бирдек таъсир қилмайди ёки бу аудитория ОАВнинг ўз қараши ва мақсади доирасидан келиб чиқиб омма онгида нотўғри таъсир, баъзан эса нотўғри фикр шаклланишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундай ҳолатда баъзи шу соҳа мутахассислари фикри асосида «аудиториянинг бундай акс таъсирларига қарши индивиднинг шахсий тажрибаси ва бошқа қарашлари»²⁰ ёки «аудитория (ҳеч булмаганда унинг бир мунча билимли қисми)нинг матбуотнинг ҳаддан ташқари таъсиридан ўзини ҳимоя қилишга бўлган

²⁰ Федотова Я.Н. Массовая информация стратегия, производства и тактика потребления. М.: 1996. 4-бет.

стихияли(табiiй)интилиши»²¹ ҳақида гапириш мумкин. Бозор иқтисодёти шароитида эса айнан фақат ўзининг тескари тарғиботини ўтказишга интиладиган деб баъзи ОАВнигина кўрсатиб бўлмайди. Қолаверса, ўзи танлаган ОАВнинг барча фаолияти ва ахборотиға ҳар қандай одам ишониши ҳатто баъзи вақтларда «индивид ҳимоя қиладиган ОКВ фаолиятиға қарши чиқадиган тўсиқлар, ёки таъбир жоиз бўлса, индивид фойдаланадиган ахборотни ўтказиш фильтри» ҳам «ишламай» қолиши мумкин²². Чунки матбуот маълум маънода «сўз сиёсатидир»²³. У сўз ёрдамида бевосита аудиториянинг онги ва дунё қарашига таъсир этади. Шу боис баъзи ҳолатларда турли қонун ва бошқа юридик ҳужжатларда ўз аксини топмаган «ички цензор», «касбий виждон» сингари журналистларида бўлиши зарур бўлган хусусиятлар ва улардан фойдаланиш масалаларига туғри келади.

Хуш, бундай вазиятда журналистлар фаолиятида қандай ўлчов(мезон)лардан фойдаланиш зарур?

Бу масалада биз бозор иқтисодиётиға ўтганиға анча вақт бўлган ва мазкур жараёнларда етарли тажрибаға эға бўлган давлатларнинг амалиётиға эътиборни қаратсак, шундай вазиятларда тез ва жиддий суратда журналистиканинг жамият билан туғри муносабатини шакллантириш мақсадида махсус касбий ахлоқ меъёрлари кодекслари ва принциплари ишлаб чиқарилганининг гувоҳи бўламиз.

Бу ўринда жиддий савол туғилади: ҳозирги вақтда журналист - аудитория муносабатларини айнан қандай меъёрлар бошқаради (амал қилади) ва ахборот товари ишлаб чиқариш ва истеъмолчи билан ўзаро алоқаларда улар оптимал тартиб ўрнатишға қанчалик ёрдам беради?

²¹ Лазутина Г.В. Профессиональная этика журналиста. М.: 2000. 156-бет.

²² Федотова Я.Н. Кўрс. адаб. 120-бет.

²³ Худойқулов М. Оммавий ахборот воситалари назарияси. Т.: ТошДУ. 1999. 12-бет.

Касбий – ахлоқий ҳужжатларни таҳлил асосида шуни айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда қуйидаги талаб ва мўлжаларни ўзида жамлаган меъёрлар яхши самара беради. Биз уларни қисман таҳлил этиб ўтамиз.

БИРИНЧИ МЕЪЁР: Умумэзгўлик ва инсониятнинг дахлсиз ҳуқуқларидан бири сифатида матбуот эркинлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш.

Матбуот эркинлиги ҳамма вақт долзарб масала бўлиб келган ва у жаҳоннинг кўпчилик давлатлари қонунчилигида ҳам, бошқа меъёрий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган.

Германия Федератив Республикасида 1949 йилнинг 23 майида қабул қилинган Асосий Қонуни сўз эркинлигини кафолатловчи энг муҳим ҳужжатдир. Унинг «5-модда»сида қуйидаги сўзлар ёзилган:

«Ҳар ким ўз фикрини оғзаки, ёзма ёки тасвирий воситалар орқали эркин ифодалаш ва тарқатиш, шунингдек, ҳеч қандай тусиқларсиз умумий манбалардан ахборот олиш ҳуқуқига эгадир. Матбуот эркинлиги, радио ҳамда кино орқали ахборот узатиш эркинлиги кафолатланади. Цензура йуқ.

Мазкур ҳуқуқлар умумий қонунларнинг мезонлари, ёшларни ҳимоя қилиш туғрисидаги қонунчилик ва шахснинг қадр-қимматини ҳимоялаш орқали чегараланади».²⁴

Шу ўринда ривожланган мамлакатлар қонунчилигини ўрганиб келаётган ва бу борада бир қатор илмий изланишларни амалга оширган С.М.Жабборовнинг қуйидаги фикрини келтириб ўтиш жоиз:

«Агар биз 5-модданинг моҳиятига эътибор қилсак, у ўз мазмунига кўра оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва

²⁴Mein Ch. Die Massen Medien in Deutschland. Berlin. UVK Medien. 2000. 11-бет.

уларнинг эркинлигини кафолатлаш учун ҳукумат зиммасига алоҳида масъулият юклайди ва ОАВга кенг имкониятлар беради. Ҳукумат оммавий ахборот воситалари тизимида соғлом рақобатни таъминлаши, яъни бир томондан ташқи плюрализм (газеталарнинг ўзаро рақобати), иккинчи томондан эса плюрализм – давлат теле ва радиокомпаниялари тизимлари бошқарувида кенг жамоатчилик иштирокига йўл очиб бериши лозимлиги ҳам ушбу модда талабларидан келиб чиқади».²⁵

Бундан ташқари эркинлик ҳамда ўз фикри эркин ифодалаш журналист касбий этика мутахассислари, хусусан, Э.Б.Ламбет ва Г.В.Лазутиналар томонидан энг муҳим касбий ахлоқий тамойиллар сирасига киритилади.

ИККИНЧИ МЕЪЁР: Одамлар ва жамиятнинг ҳақиқатни билиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, фактларга шахсий фикрларни аниқ ажратган ҳолда ёндашиш, нотўғри маълумот тарқатиш ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборотларни яширишга қарши ҳаракат қилиш.

Ҳар бир кишининг «ахборот ва ғояларни қидириш, олиш ва тарқатиш» ҳуқуқи 1948 йилда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг дастлабки бандида «биринчи навбатдаги журналист бурчи» дея талқин қилинади.

Ушбу ҳақиқатни оммага етказишни кўзловчи меъёр журналистларда ўз навбатида ҳаққонийлик, холислик ва тезкорлик принципларига амал қилишларини тақозо этади. Зеро, мавқеидан фойдаланиб ўз фикрини оммага сингдиришга интилиш ҳаракатини кишиларнинг фикр ва сўз эркинлигига таҳдид сифатида баҳолаш мумкин. Умумаҳамиятга молик хабарлар, масалан, аҳолига таҳдид солиши мумкин бўлган табиий, сиёсий, мафкуравий хавфдан хабар

²⁵ Қаранг. Эркин сўз. Ахборот ҳуқуқий муаммоларига доир тўплам. Т.: Ижод дунёси. 2003. 19-бет

топган журналист, албатта, бундан аудиторияни огоҳ этишга интилиши ва бу йўлда ҳиссиётга берилмай, омма онгида ортиқча ваҳима туғилишини олдини олиши лозим.

Ўрни келганда алоҳида таъкидлашимиз лозимки, ҳозирги вақтда миллий журналистикамизнинг камчиликларидан бири рўй бераётган табиий ва бошқа таҳдидлар ҳақида ўз вақтида хабар бермаслигидир. Бу эса фойдадан кўра купроқ зарар келтириши, айнан шу кечиктириш орқали олди олинмоқчи бўлинган саросиманинг кучайиб кетишига таъсир этиши мумкин. «Профессионал журналистлар жамияти»нинг «этик меъёрлар кодекси»да (1996й) ҳам бу масалага атрофлича эътибор қаратилган. Хусусан, унга кўра жамиятга таҳдид солувчи «Бўлиши муқаррар бўлган конфликтлар ҳақида очик гапириш»га журналистлар мажбурдирлар.

Мазкур масалада NHK телеканалининг янгиликлар дастурларида кўплаб мисоллар топиш мумкин. Жорий йилда рўй берган zilzilalar ҳақидаги кундалик тезкор репортажларни узатиш орқали NHK тележурналистлари ўз тезкорликлари ва ҳаққоний ишлашларини тўлиқ намоиш эта олдилар.

УЧИНЧИ МЕЪЁР: Аудиториянинг ахлоқий қадриятлари ва маданий стандарт(яшаш даража)ларини ҳурмат қилиш.

Бу меъёр халқаро миқёсда қабул қилинган касбий этика кодекслари ва бошқа ахлоқий ҳужжатларнинг деярли барчасида учрайди. Жумладан, «Профессионал журналистлар жамияти»нинг «этик меъёрлар кодекси»да бу «Бошқа (маданий қадрият)ларга қиёсланмаган ҳолда ҳурматлаш» деб кўрсатилган бўлса, профессионал журналистларнинг халқаро ва регионал ташкилотларининг маслаҳат йиғилиши (20 ноябрь 1983 йил Париж)да қабул қилинган «Журналист касбий этикасининг халқаро

тамойиллари»да «умумий қадриятлар ва маданиятлар хилма-хиллигини ҳурматлаш» шаклида тилга олинади.

Мазкур меъёр кўп миллатли халқимизга хизмат қилишга бел боғлаган ҳар бир журналист учун ҳам бирдек муҳимдир. Унга амал қилиш мамлакат ҳудудида демократик тамойилларнинг шалланишида ва ташқи халқаро муносабатларнинг яхшиланишида катта аҳамият касб этади.

ТЎРТИНЧИ МЕЪЁР: Одамларнинг ОАВга бўлган ишончини оширишга интилиш.

Бу меъёр ўз навбатида:

- ОАВнинг ўз аудиторияси билан очик мулоқот олиб бориш;
- ўз фаолияти ҳақидаги кишиларнинг ҳаққоний норозиликларини ошкора қабул қилиши;
- кишилар учун танқидга жавоб бериш имкониятини яратиш;
- жиддий хатоларни дарҳол тузатиш;

сингари бир қатор ахлоқий меъёрларга амал қилиш талабини қўяди. Зеро ахборот ва аудитория учун курашишда рақибларни енгишга интилувчи ҳар бир ОАВ ва унинг ходимлари айнан шундай мақсадларига етишишлари мумкин.

Жумладан, ўқувчиларнинг ўз ОАВлари фаолиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашнинг турли усуллари мавжуд. Улардан бири ва газета, журналлар учун энг самарали йўли ўқувчилардан келган мактублар билан ишлаш, уларга жавоб бериш, ўрни келганда лозим кўрилса, ўқувчилар бошқаларга айтмоқчи бўлган кўнгил дардларини ҳам босиб чиқаришдир. Бу билан нашрлар ўз таркибидаги нашрларнинг кўпфакрлилигини таъминлайди, ўз ўқувчилари билан

очик мулоқотни йўлга қўйиб, фаолиятлардаги камчиликларни бартараф этадилар. Бу эса уларнинг ахборот бозорининг рақобат майдонидаги муваффақиятсизликлардан асрайди.

II.3. NHK телеканалида табиий офатларнинг ёритилиш принциплари

Шу даврга қадар журналистикада фавқулодда вазиятларда журналистлар фаолият юритиши учун алоҳида чекловлар мавжудлиги ҳақида кўп гапириб келинган. Зеро, фавқулодда ҳолатлар, зилзилалар даврида меъёридан ортиқ маълумот тарқатиш одамлар ўртасида ортиқча ваҳима тарқалишига, турли саросималарга сабаб бўлади деб келинган. Шунинг баробарида, бундай вазиятда ахборот тақчиллигига ҳам йўл қўйиш мумкин эмас.

Мазкур масалаларни ҳисобга олган ҳолда, биз вазият тақозоси билан Японияда рўй берган зилзилаларнинг япон ОАВ, хусусан, NHK да ёритилиши масаласи ва бунда кўзга ташланган касбий мажбурият ва ёндашувлар таҳлилига ҳам тўхталмоқчимиз.

Инсон табиат инжиқликлари олдида ожиз экани шу йилнинг 11 март куни Японияда рўй берган кучли зилзила ва у келтирган мудҳиш оқибатлар мисолида яна бир карра намоён бўлди. Ушбу воқеа турли телеканаллар, интернет сайтлари ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг асосий эътиборидаги мавзулардан бири бўлиб қолди. Дунё аҳли япон халқининг ақл-заковати, тадбиркорлиги, ўз бурчига ва вазифасига виждонан ёндашиб, қисқа фурсат ичида давлатни энг тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб кирганига доимо ҳайрат ҳамда ҳавас билан қараган бўлса, бугунгидек оғир дамларда синовларни сабр-бардош, вазминлик ва ҳамжиҳатлик ила енгиб ўтишга интилаётганига яна бир бор таҳсинлар айтишмоқда.

Биламизки, “кунчиқар юрт” сайёрамиздаги сейсмик жиҳатдан энг фаол ҳудудда жойлашган. Шу боис, бу ерда кунда-кунора турли тусдаги ер силкинишлари қайд этиб турилади ва маҳаллий аҳоли ҳам ушбу жараёнга табиий ҳол сифатида қарайди. Зилзила вақтида уларнинг ортиқча саросимага берилмай, вазиятдан келиб чиқиб, тўғри ҳаракатланишга одатлангани бундай офат оқибатида кузатилиши мумкин бўлган йўқотишлар кўламининг камайишида асосий омиллардан бири бўлмоқда. Қолаверса, юксак технологиялар соҳасида анча илгарилаб кетган япон мутахассисларининг сейсмик ўзгаришларни аввалдан аниқлаб, халқни тезда огоҳлантириш борасида эришаётган ютуқлари, саъй-ҳаракатлари ҳам талафотларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётир.

11 март куни қайд этилган, аввалгиларидан анча фарқ қилган бу галги ер силкиниши чоғида ҳам одамлар хавфсиз жойларда ўзларини сақлашга эришдилар. Аммо орадан бир неча дақиқа ўтиб, океанда пайдо бўлган улкан сунами вазиятни бутунлай ўзгартириб юборди.

Табиий офатдан, айниқса, Сендай, Кесеннума, Ишиномаки, Натори, Юриаги, Арагама, Санрику, Камаиси, Ичихара, Иваки, Асахикава каби шаҳарлар катта зарар кўрди. Бу ерлардаги минглаб тураржой бинолари, кўприклар, йўллар вайронага айланди, автомобиллар, бир қанча кемалар фойдаланишга яроқсиз аҳволга келди, маҳаллий аэропортлар, темирйўллар фаолияти издан чиқди. Интернет хабарларига қараганда бу тўфондан 11 минг 872 кишининг ҳаётдан кўз юмгани, 18 минг 200 дан ортиқ одамнинг тақдири номаълум экани айtilган. Лекин бу якуний хулоса эмас, қурбонлар сони кун сайин ортиб борди. Қидирув ишларида АҚШ, Хитой, Германия, Янги Зеландия, Швейтсария, Сингапур, каби мамлакатлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда яна бир қанча халқаро ташкилотлар вакиллари яқиндан кўмаклашдилар. Шунингдек, 90 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилот бу борада ўз ёрдамини таклиф қилган. Таъкидлаш керакки, NHK тележурналистлари мазкур офатлар даврида

узлуксиз репортажлар ва интервьюлар уюштиришди. Мўъжиза туфайли омон қолганлардан бири, 60 ёшли Хиромитсу Шиникава NHK журналистларига берган интервьюсида шундай дейди:

“Биз табиий офатлар билан жуда кўп рўбарў келганмиз ва шунинг учун ҳам доимо бундай фавкулудда ҳолатларга тайёр турардик. Лекин ўша кунни рўй берган зилзила ҳамда сунами тасаввуримизга сиғмайдиган даражада эди. Кўз очиб-юмгунча ҳаммаёқни сув ювиб кетди”,

Хиромитсунинг ҳаётда қолгани чиндан ҳам мўъжиза сифатида жаҳондаги барча телеканалларда намоиш этилди. Гап шундаки, у сунами хавфи эълон қилинганидан сўнг бир неча дақиқа ўтиб, уйдан ўзи учун керакли бўлган нарсаларни олиб келишга борган эди. Аммо ортга қайтишга улгурмади. Улкан сув тўлқинлари уни нақ океан томонга оқизиб кетди. Уйининг ажралиб чиққан томига маҳкам ёпишиб олган кекса Хиромитсу ёрдам беришларини кута бошлади. Аммо шу яқин атрофдан парвоз қилиб ўтаётган вертолётлар ҳам, кемалар ҳам ҳа деганда унинг мадад сўраб қилаётган ишорасини кўравермади. Бу эса жабрдийдаларнинг яшаб қолишга бўлган умидини сўндира бошлади. Тақдирни қарангки, орадан нақд икки кун ўтгандан кейингина қутқарувчилар сув юзасидаги тирик жонни аниқлашди. Ўша кунлари янграган бундай хушхабарларни дунёдаги барча худди ўзиникидек қабул қилди. Чунки бу инсон тақдири билан боғлиқдир.

“Кунчиқар юрт” тарихида аянчли оқибатларга сабаб бўлган бир қанча зилзилалар кузатилган. Жумладан, 1707, 1896, 1923 ва 1995 йилларда рўй берган ер силкинишлари қурбонлар сони ва вайроналар кўлами жиҳатидан энг йириклари ҳисобланади. Айтайлик, 1923 йилнинг сентябрида Канто префектурасида содир бўлган 8,3 балли зилзила Токио, Ёкоҳама, Ёкосука каби саккизта йирик шаҳарни бутунлай хароб аҳволга солиб қўйган эди. 1995 йилда порт шаҳар — Кобеда қайд этилган табиий офат(7,3 балл) ҳам катта йўқотишларга сабаб бўлганди.¹

Жорий йилнинг 11 мартдаги ер силкиниши эса японияликлар ҳаётидаги энг кучли, Тинч океани ҳудудида сўнгги 110 йил ичида рўй берган йирик бешта зилзилалардан бири сифатида тарихдан жой олди. Гап шундаки, дацлабки маълумотларда унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 8,8, айрим манбаларда эса 8,9 балл дея келтирилган эди. Кейинчалик бунга аниқлик киритилди ва ер силкиниши 9 баллга тенг бўлгани айтиб ўтилди. Мутахассислар бу гал талафотлар кўлами жуда катта ҳудудни камраб олганини зилзиланинг одатдагидан анча узоқ вақт давом этгани билан ҳам изоҳлашмоқда. Мисол учун, 1995 йилдаги ер силкиниши 15 сония давом этган бўлса, 11 мартдаги нақд 5 дақиқа кузатилди. Океанда юзага келган сунамининг Гавайи оролларида ўтиб, АҚШнинг Калифорния штати ва ҳатто Чили қирғоқларига қадар етиб боргани табиат инжиқлиги нақадар жиддий кўриниш олганига яна бир далилдир.

Япония Бош вазири Наото Кан ўтказилган матбуот анжуманларидан бирида мамлакат Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг оғир кунларни бошидан кечираётганини таъкидлади. Дарҳақиқат, зилзила, сунами ва АЕС билан боғлиқ талафотлар мамлакатни мураккаб аҳволга солиб қўйди. Япония Императори Акихито телевидение орқали ўз халқига қилган мурожаатида, юз берган воқеалардан каттиқ қайғуда эканини билдириб, умидсизликка тушмасликка, бир-бирларига ёрдам беришга, меҳрибон бўлишга чақирди.

Албатта, NHK мазкур жараёнларни ҳаққоний ва тезкор тарзда ёритиш орқали аҳолининг ўз-ўзини ҳимоялашга доир билимини оширди, иккинчи томондан халқ ва ҳукумат ўртасида журналистиканинг “кўприк” эканини кўрсатиб берди. Тез-тез ҳукумат идоралари вакиллари, соғлиқни сақлаш, қутқарув хизматлари ва бошқа мутасадди раҳбарлар билар интервьюлар уюштириб, аҳолини бир оз бўлса-да тинчлантиришга, ҳар қандай вазиятда ақл билан иш кўришга ундаб турди.

ХУЛОСА

Ўзига хос ривожланиш йулини тутган давлатимизда ҳам юксак тараққий этган фуқаролик демократик жамияти асосларини қарор топтиришда айнан «тўртинчи ҳокимият» мақоми сари интилаётган журналистлар учун алоҳида жасурлик, шижоат ва дадиллик талаб этилади. Улар ҳар қандай вазиятни баҳолашда, жамият ҳаётида кундалик учраб турадиган турли ютуқ ва камчиликларни баҳолашда фақат ўз ҳиссиёт мезонлари асосида эмас, балки касбий бурч ва мажбуриятлари нуқтаи назаридан иш юритсалар юксак самарага эришишлари шубҳасиз. Бу жиҳатдан олиб қараганда турли халқаро ҳужжатлар, кодекслар орқали қабул қилинган меъёрлар ва касбий ахлоқий тамойилларни билиш ва уларга амалиётда қатъий амал қила олиш хал килувчи аҳамият касб этади.

Биз мазкур ишимизда ҳам айнан ана шу журналистлар учун муҳим ҳисобланган касбий ахлоқий принципларни ўргандик ва «NHK» телерадиокомпаниясининг фаолияти, унинг 2010-2011 йилги материаллари таҳлили асосида назарияни амалиётда қандай йўллар билан акс этишини кўрсатиб беришга интилдик.

Ушбу битирув малакавий ишимизда таҳлили кечган масалаларнинг хулосаси сифатида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Журналистика соҳасида қабул қилинган ахлоқий кодекслар журналист касбий фаолиятини тартибга солувчи меъёр сифатида қадрлидир. Уларда касбий принциплар у ёки бу даражада аниқлаштириб берилади. Принциплар эса журналист фаолиятини тўғри йўлга солиб туради.

2. Ҳар бир мамлакатда касбий кодекслар ўша ҳудуднинг маҳаллий шароити, яшаш тарзи, маданий дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Бироқ уларнинг барчасида умуминсоний қадриятлар, журналист фаолиятининг негизида турган ҳаққонийлик, холислик, адолатлилик каби мезонлар алоҳида ажратиб кўрсатилади.

3. Ташкил этилганлигига 61 йил бўлган ушбу корпорация, ҳақиқатан ҳам, кўп жиҳатдан намуна олса арзигўлик ва тажрибасини тадқиқ этса бўладиган савиядаги халқаро оммавий ахборот воситасидир. Буни ишимиз давомида унинг телевизион хизмати фаолиятидан олган амалий материалларимиз ва уларнинг таҳлили ҳам тасдиқлайди. Хозирда NHK телеканали ўз овози ва аудиториясига эга бўлиб улгурган. Бу борада унинг кундалик ахборот ва янгиликларни ўзига хос услубда – тезкор, аниқ ва ахборотлилик принципларига, шунингдек, мавжуд халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва касбий ахлоқ кодекслари меъёрларига қатъий амал қилаётганлиги ҳам муҳим ўрин тутганини яна бир бор таъкидлаб ўтиш зарур.

4. NHK телевидениеси нафақат Япония ОАВ тизимида, балки халқаро телеканаллар ўртасида ҳам алоҳида ўринга эгаллаган. У узоқ йиллик тарихи мобайнида ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтган ва халқаро майдонда ҳам кўпсонли аудиторияга эга.

5. NHK телеканали журналистлари ўз фаолиятида касбий ахлоқий мезонларга амал қилишга ҳаракат қилишади. Айрим ҳолларда бу борада муаммолар пайдо бўлади, бироқ бундай муаммоларнинг келиб чиқиши телеканал журналистларининг тезкорлик билан фаолият олиб боришлари зарурлиги билан изоҳланади.

6. NHK кўрсатувларида мавзу танлаш, фактларни тўплаш ва таҳлил қилиш жараёнларида касбий ахлоқий мезонларга амал қилиш кўзга ташланади. Журналистлар ҳар бир мавзу орқали жамиятдаги муаммоларнинг ечимини излаш ва бошқаларнинг эътиборини ҳам шу масалага жалб этишга ҳаракат қилишади.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида журналист ахлоқига доир махсус касбий ахлоқий кодексларнинг барчаси гарчи халқаро ҳуқуқий ва ахлоқий мезонлар, турли халқаро ҳужжатларга бўйсунган ҳолда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бўлса-да, уларнинг ҳар бирида ўша мамлакат ўзига хосликлари, миллий ва ахборий маданиятидан келиб чиқиб касбий ахлоқнинг маълум бир жиҳатлари ва тўғрироғи принципларига алоҳида урғу берган ҳолатлар мавжуд.

Битирув малакавий ишимизнинг ниҳоясида Ўзбекистон тележурналистикаси фаолияти учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтирмоқчимиз:

- Янгиликларни ёритишда тезкорликка кўпроқ аҳамият берилса, ахборот бозорида халқимизнинг хорижий, хусусан, Россия телеканалларидан ахборот излашга бўлган интилиши бир оз бўлса-да сусайган бўлар эди;
- Кўрсатувларда танқидий мавзулар кўпроқ олиб чиқилса, муайян муаммоли вазиятнинг чуқур илдиз отмасидан ечимини топишга катта фойда келтирилган бўлади. Қолаверса, ўринли қилинган танқид аҳолининг ҳам фикрлаш ва атрофга зийрак нигоҳ билан қарашига ижобий таъсир кўрсатади. Кишилар ана шундай камчиликларга қўл қўмасликка ўрганадилар.
- Миллий телеканалларимизнинг веб саҳифаларининг фаолиятини янада ривожлантириш зарур. Интернет суръатининг секинлиги сабаб биз бугунги кунда тармоқда телекўрсатувларимизни бемалол кўра олмаймиз. Қолаверса, телеканалларимизнинг тармоқдаги саҳифалари хорижий телеканалларники билан доим ҳам рақобатлаша олмайди.

Юқорида билдирилган фикримизнинг якуний хулосаси сифатида шуни айтишимиз мумкинки, журналистлар ижодида касбий этика муҳим ўрин тутди. У журналистни мураккаб меҳнат жараёнларида, муаммоли

ҳолатларда дадил ва тўғри қарорлар қабул қилишга ва энг муҳими, ҳар қандай вазиятда ўз касбий бурчига содиқ қолишга ўргатади.

Шу боис миллий журналистикамизда ҳам бу соҳа ривожига кенг ўрин берилса, журналистларимиз ҳам касбий ахлоқий мезонларни ўрганиб ўз амалиётларига татбиқ этишса, ниҳоятда самарали иш бўлар эди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И. А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Ўзбекистон, 1998.6.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Тошкент оқшоми, 2002 йил 30 август.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари туғрисида. – Тўртинчи ҳокимият. – Т.: Мехнат. – 2003. Б. 37-43.
9. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: 2002.
10. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар туғрисидаги халқаро пакт.
11. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг

инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари.

12. Жабборов С. Оммавий ахборот воситалари қонунчилиги. Т.: 2000.

13. Журналистика западноевропейских стран. Учебное пособие. Л.: 1990.

14. Лазутина Г. В. Технология и методика журналистского творчества: Методические указания. М. : МГУ. 1988.

15. Майн Х. Средства Массовой информации в Германии. UVK. Medien. 2000.

16. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон. 2001.

17. Муминов Ф. А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. Т.: ТошДУ. 1998.

18. Муминов Ф. А. Журналистика самарадорлиги. Т.: ТошДУ. 1996.

19. Муминова Ф. И. История мировой журналистики. Материалы к курсу. Т.: ТошДУ. 1994.

20. Муминова Ф. И. Современная зарубежная журналистика. Тексты лекций. Т.: УзНУ. 2001.

21. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Т.: ТошДУ. 2002

22. Рэндалл Д. Универсальный журналист. Алмати. 1997.

23. Федотова Я. Н. Массовая информация стратегия, производства и тактика потребления. М. : МГУ. 1996 й.

24. Фихтелиус Э. Радио ва телевидение журналистикаси асослари. Журналистиканинг 10 қоидаси. Т.: Шарқ, 2002.

25. Худойкулов М. Оммавий ахборот воситалари назарияси. Т.: ТошДУ 1999.

26. Хуршид Дўстмуҳаммад. Журналистнинг касб одоби муаммолари. Т.: « Янги аср авлоди», 2007.

Интернет сайтлар.

27. www.Google.ru
28. www.wikipedia.ru
29. [www.japan.co.jp.library](http://www.japan.co.jp/library)
30. www.nippon.co.jp
31. www.idj.co.jp
32. www.jica.co.jp
33. www.nagasaki.co.jp